Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 100 (8090). ● 27 май, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ IX ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АСОСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

ЧОРВАДОРЛАР учун ҳақиқий синовга айланган қишлов даври Ўрта Чирчиқ районн меҳнаткашлари олдига бир қатор қийинчиликларни кўндаланг қилиб қўйди. Бироқ КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун астойдил курашаётган ўртачирчиқликлар бу қийинчиликларни тадбиркорлик билан енгиб, чорва қишловини муваффақиятли якунлашди. Эндиликда улар 1983—1984 йил қишловига ҳам пухта ҳозирлик кўрдимоқда.

Бу йил район бўйича давлатга 2004 тонна гўшт (тирик вазнда), 7880 тонна сут, 58 миллион 200 минг дона тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун кураш бошланган. Мавжуд 9612 бош қорамол, жумладан, 3400 бош сигир, 14 минг 650 бош қўй, 603 бош чўчқа, 791 минг бош парранда тўлиқ рацион асосида парвариш қилинмоқда. Шунингдек, районда бу йил зотдор моллардан кўпроқ насл олиб, уларнинг бош сонини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, район чорвадорлари бу йил ҳар юз бош сигирдан 90 бошдан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи ва ҳар юз бош она чўчқадан 2250 тадан чўчқа боласи олишни мўлжаллашган.

Бундай юксак марраларни эгаллаш учун аввало озуқа базасини мустаҳкамлаш лозим. Шуннг учун ҳам районда бу муҳим ишга ҳар томонлама жиддий ёндошиляпти. Район озуқакорлари бу йил ҳар гектар ердан 200—220 центнердан беда пичани, 550—600 центнердан силосбоп маккажўхори кўк массаси ва 600 центнердан лавлаги олиш, шунингдек, пландаги 45 минг тоннага қўшимча 9000 тонна — жами 54 минг тонна дағал хашак, шу жумладан, 17 минг тонна беда пичани, 19 минг тонна сенаж, 2,5 минг тонна сомон, 15,5 минг тонна табиий ўт пичани тайёрлаш учун курашмоқдалар.

Шу кунгача районда мавжуд 2010 гектар ердаги эски беданинг биринчи ўрими тугалланди. 5650 тонна беда қуклигида молларга берилди. Шунингдек, йиғиштириб олинган ҳосилдан 2,5 минг тонна пичан ва 12 минг тонна сенаж тайёрланди. Бу билан эса сенаж тайёрлаш йиллик плани ортиғи билан уддаланди. Ҳали беданинг яна тўрт ўрими бор. Ана шу ўримлар ҳисобига сенаж тайёрлашни жами 19 минг тоннага етказиш кўзда тутилмоқда.

Районда беданинг биринчи ўримини тез ва сифатли ўтказиш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланилди. Барча хўжаликларда 200 га яқин машина ва механизмлар ана шу иш билан банд бўлди. «Ленин йўли», «Партия XXII съезди», Ленин номли, Терешкова номли колхозларда, айниқса, бу тадбир намунали ташкил этилиб, биринчи ўримнинг ўзидаёқ беда ҳосилдорлиги 50 центнердан етказилди.

Шу кунларда барча хўжаликлардаги эски бедазорларга гектарига 200—250 килограммдан аммофос берилиб, суғориляпти. Бундан ташқари мавжуд 950 гектар майдондаги янги беданинг ривожи ҳам яхши. Яқин кунлар ичида унинг ҳам биринчи ўрими бошлаб юборилади. Бу йил янги беда ҳосилдорлигини 80 центнерданга етказиш кўзда тутилган.

Беда етиштириш, уни ўз муддатида суғориш ва тез фурсатларда ўриб олиш муҳимдир. Барча озуқакор бригадаларнинг коллектив пудрат асосида ишлаши бунга эришишнинг муҳим омилларидан бири бўлди. Авваллари ишбай усулда меҳнатга ҳақ тўланганда озуқакорлар кўпроқ майдонларда иш бажаришга интилишарди. Ҳосилдорликни ошириш масаласи билан ортиқча қизиқишмасди. Бунда уларнинг манфаатдорлиги ҳам кам эди.

Ҳозир меҳнатга ишбай усулда ҳақ тўлаш бекор қилинив, ҳар бир кишига малакасига қараб маош белгиланган. Мавсум охирида эса қанча кўп озуқа жамғарилса, уларга шунча кўп қўшимча меҳнат ҳақи тўланмоқда. Яъни пландан ташқари тайёрланган ҳар бир тонна бедага 30 сўм, силос ва лавлагига 15 сўмдан қўшимча ҳақ берилмоқда. Пудрат асосида ишлашнинг афзалликлари яна шунда кўринмоқдаки, бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига сидқидилдан, масъулият билан ёндошяпти. Натижада бажарилаётган ишнинг сифати ва самарадорлиги ортмоқда.

Маълумки, эрта баҳорданоқ молларни кўк озуқа билан таъминлашда кузда экилаётган рож муҳим аҳамият касб этади. Районда бу оралиқ экинини етиштиришга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. 614 гектар ердаги рож қисқа фурсатда йиғиштириб олиниб, ундан бўшаган майдоннинг деярли ярмидан кўпроғига силос учун маккажўхори экилди.

Умуман бу йил районда 900 гектар ерга дон учун, 575 гектар майдонга эса силос учун маккажўхори экилган. Улардан 600 центнердан силос ва 80 центнердан маккажўхори дони олиш мўлжалланмоқда. Ҳозиргача маккажўхори экилган барча майдонларга сифатли ишлов берилиб, суғориш ишлари жадал олиб бориляпти. Охунбобоев номли, Энгельс номли, «Ленин йўли» колхозлари, Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ўқув хўжалигида бу ишлар намунали йўлга қўйилган. Парвариши яхшилиги туфайли экинлар баравж ривожланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1983 йилда ем-хашак етиштириш ва тайёрлашни анча кўпайтириш юзасидан ишлаб чиққан тадбирларида бу йил табиий ўт-ўланлар мўлкўллигини ҳисобга олиб, ем-хашак тайёрловчи қўшимча отрядларни ташкил этиш, шунингдек ўт-ўланларни ўриб-йиғиб олиш чоғида комплекс механизацияни кенг жорий этиш кўзда тутилган.

Ҳақиқатан ҳам баҳорнинг кейинги серёғин кунлари қир-адрлар, ариқ ва зовур четларида табиий ўтларнинг қалин ўсишига сабаб бўлди. Натижада Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида ҳам ана шу ўтлар ҳисобига дағал хашак тайёрлашни анча кўпайтириш имкониятлари туғилди. Районнинг ҳамма хўжаликларида сафларига 676 кишини бирлаштирган 24 озуқа тайёрловчи бригадалар тузилган. Бу бригада коллективларига 190 пресподборщиклар, 24 тирма-мола, 48 юк ортувчи ва туширувчи, шунингдек, 353 транспорт тракторлари, 3 та ОВМ ҳамда 6 та ДКУ маркали машина-механизмлар биркитиб қўйилган. «Госкомсельхозтехника» район бирлашмаси зиммасига эса яна 8 та пресподборщик, 4 тадан тирма-мола ва юк ортувчи ҳамда туширувчи механизмларни келтириб, хўжаликларга реализация қилиш топширилган. Бундан ташқари, бирлашмада махсус кўчма устахона ташкил этилган бўлиб, унинг ёрдамида ишдан чиққан айрим машина ва механизмларга бевосита даланинг ўзида хизмат кўрсатиш имконияти вужудга келтирилди.

Булардан ташқари табиий ўтларни қисқа фурсатларда йиғиштириб олиш учун турли касб эгалари бўлган коммунистлар, комсомоллар ва кенг меҳнаткашлар оммаси ўримга жалб этилган. Шу кеча-кундузда Чирчиқ, Наримонов шаҳарлари ҳамда Ўрта Чирчиқ районидан 1050 га яқин киши пичан ўрими билан банд. Бу йил уларнинг ёрдамида 4 минг тонна табиий ўт пичани тайёрлаш мўлжалланмоқда. Озуқа етиштирувчи бригадалар ва ёрдамчилар кучи билан ҳозиргача 1000 тоннага яқин табиий ўт пичани жамғарилди. Ҳар куни ўртача 200 тоннадан пичан тайёрланмоқда. Райондаги сув хўжалиги бўлимининг 20 кишилик отряди, 74-автобазанинг 10 кишилик отряди, Наримонов шаҳридаги 56-автокорхонанинг ёрдамчилар бригадаси коллективлари табиий ўт ўримида бошқаларга намуна кўрсатиб ишлашмоқда.

Районда мўл чорва озуқаси тайёрлашни намунали ташкил этиш, меҳнаткашларнинг иш унумдорлигини ошириш учун бир қатор тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Ҳозирда бевосита ана шу ишлар билан шуғулланувчи махсус штаб иш олиб бормоқда. Озуқа етиштирувчилар ва табиий ўт пичани тайёрловчилар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Унга ҳар ўн кунда якун ясалади. Ғолиблар кўчма Қизил байроқ ва енгил автомашина билан тақдирланадилар. Булардан ташқари далада меҳнат қилаётганларга медицина, маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Бу тадбирларнинг барчаси ўз навбатида иш унумдорлигининг ортишига, кўзланган марраларнинг барвақт эгалланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Калинин районидаги Калинин номли колхоз чорвадорлари йил сайин юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун юксак мажбурият олганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган чорвадорлар ҳар бош соғин сигирдан ўртача 4 минг килограммдан ошириб сут соғиб олиш, кўплаб гўшт етиштириш учун курашмоқдалар.

Суратларда: (юқорида чапдан) сут соғувчи М. Қодирова, ферма мудири К. Нишонбоев ва сут соғувчи М. Юнусова ўртоқлар соғиш аппаратларини кўздан кечирмоқдалар.

Бош зоотехник (чапдан) Ф. Удиқбоев ва ҳисобчи А. Акбаров ўртоқлар сут соғувчилар мусобақаси натижаларини қайд қилмоқдалар.

Бузоқларнинг дуркун, соғлом ўсиш да бузоқбоқарлар (чапдан) М. Содиқова, Г. Маҳкамова, В. Усмонова ўртоқларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

В. Портнов фотолари.

СУРХОНДАРЁ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Сурхондарё области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, беш йиллик учинчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, давлатга пилла сотиш планини муддатидан илгари, 1983 йил 24 майда адо этдилар. Давлатга 1256 тонна юқори сифатли қимматбаҳо тўқимачилик хом ашёси сотилди. Ҳар қути қурт уруғидан 70 килограммдан ошириб пилла йиғиштириб олинди.

Пилла териш ва тайёрлаш давом этмоқда. Область пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 350 тонна пилла топшириш ва ҳар қути қурт уруғидан олинадиган пилла ҳосилдорлигини 80 килограммга етказишга қарор бердилар.

Ҳозирги вақтда область меҳнаткашлари дон, пахта, бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун, деҳқончилик ва чорвачилик барча маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллик марказий йили мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ҳамма жойда қаҳрамонона кураш олиб бормоқдалар, Ватанни янги-янги меҳнат зафарлари билан хушнуд этишга азму қарор берганлар.

ХУШХАБАР

ТОШКЕНТ РАЙОНИ: ПИЛЛА БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ТОШКЕНТ райони пиллакорлари давлатга «кумуш тола» топшириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Пландаги 149 тонна ўрнига 170 тонна хом ашё топширилди. Ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан пилла йиғиштириб олинди.

Меҳнат ғалабасига «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», К. Маркс номли ва Навоий номли колхозларнинг пиллакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район пиллакорлари мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб давлатга яна 10 тонна пилла топширишга қарор қилдилар.

Ҳурмат тахтаси

1983 йилда пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарган қуйидаги хўжаликлар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДАН

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози (раиси Азнауров Отамша-Осмон ўғли, партия ташкилотининг секретари А. Абдураҳмонов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Мамаев, комсомол комитетининг секретари Д. Раҳимов, пиллачилик агротехниги К. Сейфулов).

БЕКОБОД РАЙОНИДАН

Навоий номли колхоз (раиси А. Султонов, партия ташкилотининг секретари М. Сайдуллаев, касаба союз ташкилотининг раиси И. Қурбонов, комсомол комитетининг секретари Х. Омонликов, пиллачилик агротехниги Э. Турсунбоев).

«Коммунизм» колхози (раиси Н. Абдураҳимов, партия ташкилотининг секретари А. Ҳасанов, касаба союз ташкилотининг раиси В. Маматқулов, комсомол комитетининг секретари К. Дўстмаев, пиллачилик агротехниги К. Деҳқонбоев).

«Авангард» совхози (директори Т. Усмоналиев, партия ташкилотининг секретари Ш. Қўшмонов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Бозорқулов, комсомол комитетининг секретари Р. Маматқулов, пиллачилик агрономи М. Пегатов).

«Ленинград» совхози (директори Х. Қаҳрамонов, партия ташкилотининг секретари Н. Бердибоев, касаба союз ташкилотининг раиси М. Ширинов, комсомол комитетининг секретари Ж. Саттанбеков, пиллачилик агрономи Х. Матқосимов).

ТОШКЕНТ РАЙОНИДАН

К. Маркс номли колхоз (раиси Р. Акбаров, партия ташкилотининг секретари М. Усмонов, касаба союз ташкилотининг раиси А. Саидов, комсомол комитетининг секретари Ғ. Зуфаров, пиллачилик агротехниги Б. Раҳимов).

Ильич номли колхоз (раиси Т. Зиёдов, партия ташкилотининг секретари О. Каримов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Қорабоев, комсомол комитетининг секретари Т. Ризаев, пиллачилик агротехниги Н. Аҳмедова).

Ленин номли колхоз (раиси Ғ. Умаров, партия ташкилотининг секретари А. Умаров, касаба союз ташкилотининг раиси А. Абдуллаев, комсомол комитетининг секретари Р. Қурбонов, пиллачилик агротехниги Ғ. Чуйбеков).

Охунбобоев номли колхоз (раиси З. Жалилов, партия ташкилотининг секретари А. Абдулҳақов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Ёқубова, комсомол комитетининг секретари А. Жалилов, пиллачилик агротехниги А. Пирматов).

Абдураҳмонов номли совхоз (директори А. Одилов, партия ташкилотининг секретари А. Мирзаев, касаба союз ташкилотининг раиси Л. Устименко, комсомол комитетининг секретари А. Абдувалиев, пиллачилик агрономи Ш. Мусаева).

«Ленинград» совхози (директори Ғ. Валиев, партия ташкилотининг секретари Х. Муродов, касаба союз ташкилотининг раиси С. Канибеков, комсомол комитетининг секретари Д. Миррахимов, пиллачилик агрономи А. Набиев).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАН

Охунбобоев номли колхоз (раиси М. Рўзматов, партия ташкилотининг секретари Т. Мадиёров, касаба союз ташкилотининг раиси С. Мирзаев, комсомол комитетининг секретари Р. Аширбоева, пиллачилик агротехниги И. Қурбоналиева).

Терешкова номли колхоз (раиси У. Ҳасанова, партия ташкилотининг секретари С. Убайдуллаев, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Рўзиев, комсомол комитетининг секретари А. Воққосов, пиллачилик агротехниги У. Анорбоев).

А. Икромов номли колхоз (раиси О. Азаматов, партия ташкилотининг секретари Ф. Маматқулов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Шодиев, комсомол комитетининг секретари З. Пўлатов, пиллачилик агротехниги Н. Баркашева).

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАН

«Коммунизм» колхози (раиси Н. Мадаминов, партия ташкилотининг секретари С. Ғаниев, касаба союз ташкилотининг раиси С. Норматов, комсомол комитетининг секретари М. Шарипов, пиллачилик агротехниги Т. Эргашев).

Куйбишев номли колхоз (раиси Э. Файзиев, партия ташкилотининг секретари Б. Турсунов, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Бегимқулов, комсомол комитетининг секретари Т. Очилов, пиллачилик агротехниги Д. Сайдаев).

ЮЛДУЗЛАР ҲАМИША ПОРЛАСИН

НИШАБ стволдан транспортёр лентаси устида оқиб келаётган кўмир бункерга тушади-ю, ундан махсус мосламалар ёрдамида вагонларга ажралиб, вагонларга қуйилади. Сув мисоли оқиб келаётган «қора олтин» қазиб олинаётган жойга бориш учун эса ер остида 3—4 километр йўл босиш керак. Агар шу нишаб ствол, штреклар орқали у ерга борсангиз манглайига чироқ ўрнатиб олган шахтёрларнинг терга ботиб жасорат кўрсатиб ишлаётганликларининг гувоҳи бўласиз. Ана шуларнинг бири ўттиз уч йилдан буён навалоотбойчи яъни кўмир қазувчи деган фахрли касб соҳиби бўлмиш Ғофур Минглиевдир. Бир тасаввур қилинг-а, ўттиз уч йил мобайнида ҳар куни 15—16 тонна кўмирни аввало портлатувчи материал билан ўпириб, кейин уни белкурак билан транспортёр лентасига ортишни осон дейсизми?

Ёш Ғофуржон 17 ёшли йигит вақтида, 1947 йили фабрика-завод билим юртини тугатиб шахтага келди. Шундан буёғига қанча йиллар ўтиб, ўнта боланинг отаси бўлибди-ю, аммо ўз касбидан ажралгиси келмайди. Касбинга барака, умрингга барака деб шуни айтишса керакда. Яхши хизмат изсиз қолмайди, албатта. 1954 йили Минглиев биринчи марта «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан мукофотланди. 1966 йили эса «Фахрий шахтёр» унвони берилди.

Ғофур Минглиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати яна бир юксак тақдирга сазовор бўлди. У 1971 йилда олий мукофот — Ленин ордени, 1976 йилда эса — учинчи даражали «Шахтёрлик шуҳрати» нишони, 1980 йили «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» ва «Социалистик мусобақа аълочиси» нишонлари билан тақдирланди.

Мана шу мукофот маржонлари ўз-ўзидан келмади, албатта. Бу тинимсиз ижодий ва ҳалол меҳнат силсиласидир. Келинг бу ҳақдаги рақамларга кўз ташлайлик. Ғофур Минглиев бошлиқ бригада ўнинчи беш йилликда пландаги 192,3 минг тонна ўрнига 199,2 минг тонна кўмир қазиб чиқарди. Бу план 103,6 процент адо этилди ёки пландан ташқари 6,9 минг тонна ёқилғи қазиб чиқарилди демакдир. Ўн биринчи беш йилликнинг икки йиллик планини ҳам 103 процент қилиб уддалади. Пландан ортиқча 1,9 минг тонна ёқилғи қазилиб, истеъмолчиларга жўнатилди.

— Ҳозирги меҳнатимиз шароитини бундан 30 йил олдингисига ҳеч солиштириб бўлмайди, — дейди Ғофур Минглиев. — Ишимиз бекиёс енгиллашди. Унумдорлик ҳам ортди. Эндиликда ҳар бир шахтёр ҳисобига дастлабки вақтдагига қараганда деярли беш баравар ортиқ кўмир қазиб чиқарилмоқда. Агар 1947 йилда ҳар бир шахтёр ҳисобига 3 тоннадан кўмир қазиб чиқариш керак бўлган бўлса, ҳозир у 13 тоннаю 200 килограммни ташкил этмоқда. Чунки, илгари кўмир қазишдан кўра уни ташқарига ташиб чиқариш машаққатли бўлган. Қазилган ёқилғи вагонеткаларга ортилиб, бункерга қадар ер остида от билан ташилган. Бункер тўлгач, у юқорига кўтарилган. Кейинчалик отлар ва вагонеткалар ўрнига сирга-лувчи транспортёрлар ишлатила бошланди. Бу анча қулай эди. Лекин барибир иш суръатига тўсқинлик киларди. Шунинг учун ҳам орадан кўп ўтмай махсус лентали транспортёрлар ишга туширилди. Унга ортилган кўмир тўғридан-тўғри вагонларга етказиб берилади. Бу билан ишимизга барака кирди.

...Шахта ишчилари Ғофиржон Минглиевни «Ер ости юлдузи» деб атайдилар. Катта-кичик унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Шахтёрлар ишга муносабатда бўлишда, хулқ-атворда, интизомда унга эргашадилар. Донгдор кончи шахта коллективи меҳнатига қут-барака киритаётган пешқадамлардан бири бўлиши билан бирга ажойиб ота ҳамдир. У турмуш ўртоғи Тошбуви ая билан ажойиб фарзандларни тарбиялаётган. Барча ўғил-қизлари оқил, улардан қўни-қўшнилар ҳам хурсанд. Ҳаммаси ота-она измида, меҳнатсевар. Катта фарзанди Мақсуда ўқитувчи. Ўғли Абдусаттор ота касбини олган — шахтёр, область Советининг депутати. Қизларидан Мавлуда, Мавжуда ҳамшира, Орзигул савдо ходими, Ҳафиза политехника институти талабаси, Мадина, Гавҳар, Иқбол, Абдусодиқ мактаб ўқувчилари.

Ғофур Минглиев ҳалол меҳнати билан эл ҳурматини қозонган, касбдошларининг иззат-икромига сазовор бўлган, жамиятимизнинг етакчи кучи ишчилар синфига мансуб эканлиги билан чексиз фахрланадиган ўнлаб, юзлаб шахтёрларнинг бири. Унинг машаққатли, қаҳрамонона меҳнати яна бир бор тақдирланди. Моҳир кончи касбдошлари орасида биринчилардан социалистик мусобақа ғолиби сифатида «Шахтёр» область мукофоти лауреати деган фахрли номни олишга муяссар бўлди.

Янги мукофот Ғофур Минглиевни меҳнатда янада юксак марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда. Ғолиб шахтёр ҳамон мусобақада пешқадам, ҳар сменада нормага қўшимча 3—4 тоннадан «қора олтин» қазиб чиқармоқда. Йил бошидан бери қўшимча уйган кўмири юзлаб тоннани ташкил этади. Лауреат кончига янги меҳнат марраларини эгаллашда муваффақиятлар ёр бўлишини чин кўнгилдан тилаймиз.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.



ОБЛАСТЬ «ШАХТЁР» МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

ХУШХАБАР

ВЦСПС ДИПЛОМЛАРИ — ШИФОХОНАЛАРГА

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг санаторий-профилакторийсида ишчиларнинг маданий дам олишини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун ҳамма қулайликлар яратилган. Шифохона коллективи санаторий-профилакторийлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак кўрсаткичларга эришганлиги, меҳнаткашларни даволаш борасидаги самарали ишлари учун Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий Советининг I даражали Дипломи ва 1500 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ю. А. Гагарин номли «Таштекстильмаш» заводининг санаторий-профилакторийси коллективи эса ВЦСПСнинг II даражали Дипломи ва 360 сўм пул мукофотига сазовор бўлди.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти санаторий-профилакторийси коллективи ВЦСПСнинг III даражали Дипломи ҳамда 550 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

«ҲАММА УЧУН САЛОМАТЛИК» ШИОРИ ОСТИДА

Тошкентда профилактик токсикологияга бағишланган халқаро ўқув курслари ўз ишини тугаллади. Бу ўқув курслари БМТнинг атроф муҳитга доир программаси (ЮНЕП) ва заҳарли химиявий моддалар халқаро регистри доирасида СССР фан ва техника давлат комитети, шунингдек ЮНЕП ишлари билан шуғулланувчи совет комиссияси иштирокида ўтказилмоқда.

Курсларнинг программасида Ўзбекистонда ўтказиш кўзда тутилган машғулотлар давомида тингловчилар — ривожланаётган мамлакатлар ва бошқа мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассислари иссиқ иқлим ва пахтачилик жадал ривожлантирилаётган шароитларда профилактик токсикология тажрибаси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаштириш кучайиб бораётганлигини ҳисобга олиб қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва уларни ободонлаштириш тажрибаси билан, ғўза, боғ ва полиз экинларини парвариш қилиш агротехникасида химиявий моддалардан фойдаланишнинг илғор методлари билан, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

КИТОБСЕВАРЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон ССР китобсеварлар кўнгилли жамияти правлениесининг 26 майда бўлиб ўтган пленумида китобларни кенг кўламда пропаганда қилиш ва ёйиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик юзасидан республика китобсеварларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда ҳозирги вақтда ўз сафларига бир ярим миллиондан ортиқ кишини бирлаштирган китобсеварлар жамиятининг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги ахборот тингланди. (ЎзТАГ).

МОСКВАЛИК ЛЕКТОР «АВАНГАРД»ДА

ЗАФАР. (Ўз мухбиримиздан). Бекобод райони меҳнатқашларининг 300 дан ортиқ вакиллари — пахтакорлар, чорвадорлар ва зиёлилар «Авангард» совхози марказига тўпландилар. Улар ҳузурида москвалик лектор — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактаби доценти, тарих фанлари кандидати Константин Шепетов «АҚШнинг агрессив сиёсати тинчликка хавф солмоқда ва халқаро кескинлигининг асосий манбаи бўлмоқда» деган мавзуда лекция ўқиди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ер юзидаги барча тинчликпарвар халқлар ҳамкорлигида империалистик кучларга, қуролланиш пойгасига қарши олиб бораётган адолатли фаолияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, у суҳбат қатнашчиларининг партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатига доир саволларига ҳам жавоб қайтарди.



● ЧИРЧИҚДАГИ трансформатор заводида ҳозирги пайтда 38 хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурилмалар электр станциялар, темир йўл иншоотларининг электрлаштирилган линиялари хизмати учун жуда муҳимдир.

Кейинги йилларда корхона ўз маҳсулотларини бир қатор хорижий мамлакатларга етказиб беряпти. Маҳсулот шуҳрати ошган сари буюртмалар сони ҳам кўпаймоқда. Бу эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришни тақозо этади.

Ҳозирги пайтда трансформатор заводида шахсий беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятни асосида меҳнат қилаётган ишчилар кўпайиб бормоқда. Йиғув цехининг ўровчиси Эдем Осмонов шундай илғорлардан биридир. Илғор ишчи 1984 йил ҳисобига меҳнат қила бошлаганига бир ойдан ошди.

Суратда: Эдем Осмонов иш устида.

В. Сироткин фотоси.

ШАХСИЙ УЙ-ЖОЙ ВА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ

ТУРАР ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДАГИ ҚОНУННИ ШАРҲЛАЙМИЗ

Конституцияда СССР гражданлари турар-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар дейилади. Бу ҳуқуқ давлат ва жамоат уй-жой фондини ривожлантириш ва қўриқлаш, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишига кўмаклашиш, уй-жой майдонини жамоатчилик назорати остида одилона тақсимлаш, шунингдек, квартира ва коммунал хизмат ҳақининг камлиги билан таъминланади деб кўрсатилган.

Конституциянинг уй-жой масалаларига оид кўрсатмаларига мувофиқ янги қонунлар қабул қилинади. Булар орасида СССР Олий Совети томонидан 1981 йил 24 июнда қабул қилинган ва 1982 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларининг уй-жой тўғрисидаги қонун Асослари» алоҳида эътиборга сазовордир. Бу қонун асосли равишда Совет уй-жой қонунчилигига, ҳозирги давр талабларига мувофиқ қоидаларни белгилади.

Мазкур қонунда Совет гражданларининг турар-жойга оид ҳуқуқларининг янада кенгайтирилиши, уй-жойга бўлган эҳтиёжларининг амалда таъминланиши, эгаллаб турган турар-жойлардан доимий фойдаланиш ҳуқуқи, бу ҳуқуқларнинг гарантияси кўрсатилган.

Уй-жой қонунлари Асосларида турар-жойга бўлган ҳуқуқ ҳақида жуда кўп янги қоидалар белгиланган. Уларнинг ҳаммасини бир сафарнинг ўзида шарҳлаш имконияти йўқ. Шунинг учун биз бу мақолада фақат гражданларнинг шахсий мулки бўлган уй-жойдан фойдаланиш, ер участкалари қайтариб олиниши муносабати билан уйлари бузиладиган гражданларни турар-жойлар билан таъминлаш, бериладиган уй-жойларнинг сатҳи-майдони, белгиланганидан ошиқча сатҳидан фойдаланиш ҳуқуқи, давлат ва жамоат турар-жойларидан кўчириш туфайли бериладиган квартира билан таъминлаш масалалари юзасидан белгиланган қоидаларни шарҳлаб бермоқчимиз.

Гражданлар шахсий мулклари ҳисобланган уй-жойдан шахсан ўзлари, оила аъзолари яшаш учун фойдаланадилар. Улар уйларига бошқаларни кўчириб киритишга, шунингдек, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларининг қонунларида белгилаб қўйиладиган шартлар ва тартибда уйни ижарага бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Шахсий уй-жойлари бўлган кишилар уларнинг яхши сақланишини таъминлашлари, ўз ҳисобларидан жорий ва капитал ремонт қилиб туришлари, ён-атрофларини тоза, саранжом-саришта ва обод қилиб туришлари зарур. Шу билан бир қаторда давлат ҳам бундай уйларни ремонт қилиш ва ободонлаштиришда ёрдам кўрсатади. Гражданларга қарашли уйларни эгаларининг хоҳиши билан маиший хизмат тармоғига қарашли махсус корхоналар ремонт қилиб беришлари мумкин. Албатта бундай ремонт граждан билан маиший хизмат корхонаси ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бажарилади.

Гражданларнинг шахсий мулки ҳисобланган уй-жойлар улардан асоссиз равишда тортиб олиниши ёки уй эгасининг мазкур уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

Шахсий уйлар жойлашган ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда шахсий уй-жой эгаларининг ҳуқуқлари уй-жой қонунлари Асосларининг 45-моддасида белгиланганидек, бирмунча кенгайтирилган. Агар уй-жой муносабатларини тартибга солувчи аввалги қонун бўйича бундай ҳолларда бузилаётган уй-жой эгалари квартира ёки уй-жойнинг қийматини олиш ҳуқуқига эга бўлган бўлсалар — энди улар, уй-жой қонунлари Асослари бўйича уй-жой эгалари оила аъзоларининг сонига қараб ҳар бир кишига 9 квадрат метрдан ҳисоблаб алоҳида квартира (секция) ва бундан ташқари бузилаётган уй-жой, шу жумладан иморатлар, қурилмаларнинг қийматини олиш ҳуқуқига эгадирлар, ёхуд агар улар ҳохласалар, уй-жойнинг қийматини олмасдан мазкур уйлардан, иморатлардан ва қурилмалардан чиққан материалларга эгалик қилишлари мумкин. Бундан ташқари бузилаётган уй-жой эгалари турар-жой қуриш кооперативига навбатдан ташқари аъзо бўлиб, кооператив тўғриси йўли билан қурилаётган уйлардан жой олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Баъзи ҳолларда мерос бўлиб қолган, ёки нотариал тартибда ҳужжатлаштирилмасдан сотиб олинган ҳовли-жойлар бузилганида, бундай уй-жойларнинг қиймати кимларга тўланиши тўғрисида савол туғилиши шубҳасиз. Мерос бўлиб қолган уй-жойларнинг қийматини олиш учун нотариал конторадан ворислик гувоҳномасини олиш ва сўнгра уй-жойни район - коммунал хўжалик бўлими ёки уй-жойлар рўйхатини олувчи бўлим (БТИ)да қайд қилдириш зарур. Борди-ю мерос бўлган уй-жой ёки унинг қийматини бўлиб олиш тўғрисида низо чиқиб қолса — масала судда ҳал қилинади.

Агар уй-жой илгари нотариусда расмийлаштирилмай сотиб олинган бўлса ва сотувчининг ўзи ҳаёт бўлса, олиш-сотиш шартномасини нотариал тартибда расмийлаштиришни талаб қилиш мумкин. Сотувчи шартномани нотариал тартибда расмийлаштиришдан бош тортган ҳолда эса сотувчига нисбатан суд орқали даъво билдирилиши мумкин.

Сотувчи ҳаёт бўлмаса-ю, уй-жой тўғрисида ҳеч қандай низо чиқмаса, даъвогарлар бўлмаса, бундай ҳолларда уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари томонидан белгиланиши мумкин.

Илгариги Қонунда давлат ва жамоат уйларидан фойдаланиш учун фақат турар-жой берилиши кўрсатилган бўлса, янги қонунда ҳар бир оилага алоҳида уй-жой берилиши таъкидланган. Квартира оиланинг ҳар бир аъзосига камида 9 квадрат метр саҳнида ҳисобланиб, барча санитария нормаларига жавоб берадиган бўлиши шарт. Шу билан бирга ана шу қонуннинг 23-моддасида белгиланганидек квартира беришда оилавий аҳвол ҳам ҳисобга олинади. Масалан, оилада ота-она билан бирга ёши тўққиздан ошган ўғил ва қиз болалар бўлса уларга алоҳида хоналар ажратилиши шарт.

Давлат ва жамоат уйларида истиқомат қилувчи гражданлар ихтиёрида белгиланганидан ошиқча турар-жой бўлган тақдирда, уй-жой ҳақидаги аввалги қонунлар бўйича бундай жойлар олиниб, фойдаланиш учун бошқа гражданларга берилиши мумкин эди. Эндиликда уйларнинг бундай нормадан ортиқ қисми шу жойга эгалик қилаётган кишилар ихтиёрида қолдирилади. Бундай ҳолларда ошиқча турар-жой саҳнидан фойдаланилганлик учун СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари томонидан белгиланган тартибда ошиқча ижара ҳақи олинади.

Уй-жой қонунлари Асосларида кишиларни турар-жойлардан кўчириш масалаларида ҳам ижарага олувчилар ҳуқуқи ҳар томонлама кўрилганлиги назарда тутилган.

Илгари амалда бўлган қонунларда халқ хўжалиги учун муҳим ҳисобланган корхоналарга тегишли бўлган турар-жойлардан квартира олганлар ана шу корхонадан ўз ихтиёрлари билан бўшаганларида, меҳнат интизомини бузганликлари ёки жиноят қилганларида ишдан бўшатилган ҳолларда бошқа турар-жой бермаслик шарти билан суд орқали оилани кўчириб юборишга йўл қўйилар эди. Янги қонунда эса ана шундай пайтларда ҳам кўчирилиши лозим бўлган оилалар аввало уй-жой билан таъминланиши шарт қилиб белгиланган.

Б. ИБРАТОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси, юридик фанлари кандидати.

ТЎҚИМАЧИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати ишлаб чиқариш бўлинмаларида меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси чуқур ўрганилиб, қизғин муҳокама қилинмоқда. Ўн минг уч юздан зиёд тўқимачилар иштирок этган 174 йиғилишда лойиҳа ҳар томонлама, чуқур муҳокама қилинди, уларда 688 киши сўзга чиқди. Муҳокама иштирокчилари ҳар бир моддага юксак онглилик билан ёндошдилар, лойиҳага 20 дан зиёд ўзгартишлар, тўлдиришлар киритишни таклиф қилишди.

Ишчи коллективларининг ҳар бир йиғилишида лойиҳанинг улкан аҳамиятини таъкидлаб ўтилянти.

Биринчи тўқув фабрикасининг иккинчи тўқув цехида бўлиб ўтган муҳокамада сўзга чиққан шу цехнинг мастер ёрдамчиси, комплекс бригада бошлиғи В. Коростелев прогулчиларга нисбатан талабни янада кўчайтириш лозимлигини таъкидлади. У лойиҳанинг 9-моддасига **коллективлар меҳнат интизомини бузувчиларни (биринчи навбатда прогулчиларни) ўз хоҳиши билан ишдан бўшатмасликка ҳақлидирлар,** жумласи билан тўлдиришни таклиф қилди.

— Ҳеч бир коллектив қолоқ бўлишни истамайди, — дейди Коростелев. — Афсуски, ҳали прогулчилар топилади. Коллектив барча тадбирларни қўллаганда ҳам ишчи прогул қилаверсачи? Коллектив ундан «кутилиш» учун ўз хоҳиши билан ишдан бўшашига рози. Ишчи осонгина бошқа ишга жойлашади. Демак, ишдан бўшатиш, устига-устак «ўз хоҳиши билан бўшатиш» ишчини тарбиялашнинг, прогулчиликка қарши курашишнинг тўғри йўли эмас, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳаси пардозлаш фабрикасининг ишчи хизматчиларининг ҳам баҳс-муноза-раларига сабаб бўлди. Бўяш цехининг илғор ишчиси, коммунист Г. Белоусова коллективда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масаласига тўхталди. У лойиҳанинг 9-моддасига **коллективлар узлуксиз иш стажи учун қўшимча ҳақ белгилаш масаласини кўриб чиқадилар,** деган пункт киритишни таклиф қилди.

— Афсус билан айтиш лозимки, — деди Г. Белоусова ўз таклифини изоҳлаб, — узлуксиз меҳнат стажига эга ишчилар ўртасида ҳам меҳнат интизомига панжа орасидан қаровчилар топилади. Бундайлар оз. Лекин улар коллективда битта бўлса ҳам бор. Бундан кўз юмиб бўлмайди, деб ҳисоблайман.

Корхона коллективининг биринчи кварталда эришган меҳнат ютуқларида иккинчи йиғирув фабрикаси коллективининг ҳиссаси катта бўлди. Бу фабриканинг деярли 70 фоиз ускуналари янгиланган ёки модернизация қилинган. Бу меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг бошқа фабрикаларга нисбатан анча юқори бўлишини таъминламоқда. Шунингдек, коллективнинг меҳнат зафарларида пенсияга чиққан, аммо ўз касбига, коллективига меҳри туфайли дастҳоҳлар олдида ёшлар билан тенг туриб, ёшларга ўз маҳорати ва тажрибасини ўргатаётган ветеран ишчиларнинг хизмати катта.

> МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Фабрика калавалаш цехи ишчиларининг Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишида сўзга чиққан цехнинг илғор ишчиси Р. Киреева меҳнат ветеранларига ғамхўрлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Р. Киреева лойиҳанинг 16-моддасига **коллективлар пенсияга чиққан, айни вақтда ишлаб чиқаришда ҳалол меҳнат қилаётган, ёш ишчи кадрлар тайёрлашда актив қатнашаётган ветеран ишчиларни рағбатлантириш учун моддий ва маънавий рағбатлантириш фондидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар,** деган пункт киритишни таклиф қилди.

— Меҳнат қонунига бу пунктни киритиш билан ишчи коллективларида ёш ишчининг касб маҳоратини тезроқ ва мукаммалроқ эгаллашига эришиш мумкин, — дейди Р. Киреева.

Социалистик мулк муҳофазаси, ички резервлардан тўла ва оқилона, хом ашёдан тежаб фойдаланиш, исрофгарчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашни кучайтириш масаласининг Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топиши меҳнат коллективларининг муҳокама-йиғилишларида юксак баҳоланмоқда. Механика заводининг моделлар ясаш цехи моделчиси Н. И. Солових лойиҳанинг 8-моддасига **меҳнат коллективлари нобудгарчиликнинг ҳар қандай кўринишида айбдор ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш фондидан бериладиган мукофотдан қисман ёки умуман маҳрум этишга ҳақлидирлар,** деб ёзишни таклиф қилди.

— Чунки, — дейди Н. Солових, — ишчи ўзи йўл қўйган исрофгарчилик қийматини тўлайди, Тазирини егач иккинчи марта бундай нобудгарчилик қилмасликка ҳаракат қилади. Бу «Тежамкорлик — коммунистик хислат» шиорининг ҳамма учун муқаддас бурчга айланишига замин яратади, деб ўйлайман.

Меҳнат коллективлари ҳақидаги Қонун лойиҳаси муҳокамаси барча цех ва участкада холисона фикр алмашиш руҳида ўтмоқда. Коллективлар Қонун лойиҳасини асосан маъқуллаб, мамнуният билан шуни қайд этиш керакки, Қонун лойиҳасига бағишланган йиғилишлар ўтган коллективларда ишчиларнинг меҳнат ғайрати сезиларли кучайганлиги, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари қисқарганлиги сезилмоқда.

Корхонада меҳнат коллективлари ҳақидаги СССР Қонуни лойиҳасини муҳокама қилиш қизғин давом этмоқда.

Х. САЙДУЛЛАЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА— 1986 ЙИЛ

УЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги, номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида Раъно Тўйчиевани илғор чевар, жамоатчи коммунист сифатида ҳурмат қилишади. Чорак асрдан бери бирлашманинг 2-цехида костюмларга енг ўтказишдек мураккаб операцияни бажариб келмоқда. Кўп йиллик тажрибаларидан унумли фойдаланиш эвазига бир ўзи икки норма бажаришнинг уддасидан чиқиб, ҳар доим квартал ва йиллик топшириқларни ортиғи билан адо этмоқда. Шу кунларда илғор чевар Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлаш борасида тер тўкмоқда. Моҳир чевар йиллнинг дастлабки ярмида 1986 йил планини ошириб бажариш учун курашмоқда.

Цехда Раъно опанинг тажрибалари асосида иш юритаётган ёшлар анчагина. Зарофат Абдуқодирова, Ирина Краснопёрова, Мўътабар Зияева, Шоира Алимова сингари ўнлаб ишчи дугоналар устозлари билан юбилейолди вахтасида туриб, самарали меҳнат қилмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ,

ТОШКЕНТ РАЙОНИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯДАН

ҚИШЛОҚ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ВАЗИФАЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА областимиз район ва шаҳарларида КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленумининг бир йиллиги муносабати билан илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтмоқда.

Яқинда газетада Калинин районида Озиқ-овқат программасининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашга бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференция ҳақидаги батафсил ҳисоботни эълон қилган эдик. 25 майда эса Тошкент районида «СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда коммунистлар активлигини кучайтириш» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. У район партия комитети ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти томонидан ташкил этилди.

Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Т. Толипов «Район коммунистлари Озиқ-овқат программасини бажариш учун курашда» мавзусида доклад қилди.

Докладчи барча қишлоқ меҳнаткашлари қатори Тошкент райони агросаноат комплекси ходимлари ҳам КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини изчил ҳаётга тадбиқ этиш учун қизғин кураш олиб бораётганликларини таъкидлади.

Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашда қишлоқ коммунистлари етакчи роль ўйнамоқдалар. Улар меҳнатда шахсий намуна, ташаббускорлик кўрсатиб барча қишлоқ меҳнаткашларини белгиланган марраларни эгаллаш учун курашга руҳлантиришяпти. Колхоз ва совхозлар партия ташкилотлари Озиқ-овқат программасининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш учун оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаётирлар.

Конференция қатнашчилари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг сектор мудири Ш. С. Зиёмовнинг «Озиқ-овқат программаси — КПСС аграр сиёсатини амалга оширишда муҳим босқич» мавзусидаги докладини ҳам тингладилар.

Илмий-амалий конференцияда сўзга чиққан Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг секретари Р. Абдуллаев, «Тошкент» совхози партком секретари М. Усмонов, В. И. Ленин номли колхоз партия ташкилотининг секретари А. Умаров, «Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг секретари М. Н. Глушенкова, «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхози партия ташкилотининг секретари А. Соатовлар КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун меҳнаткашларни сафарбар этиш, Озиқ-овқат программасининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш соҳасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори А. Абдунабиев ҳозирги шароитларда коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини оширишнинг аҳамияти тўғрисида сўзлади.

Э. ЭРНАЗАРОВ,

МАҲОРАТНИ ОШИРИШ ҲАМ РЕЗЕРВ

«Тошкент трактор заводи» бирлашмасида Леонид Недорезов бошлиқ фрезерчилар бригадасида ишчилар бир ярим баравар камайтирилди. Коллектив ишлаётган станоклар сони эса аввалгича қолди. Бунга профессионал маҳоратни ошириш туфайли эришилди. Йил бошида бригада ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малака ошириш курсини тугаллаш ҳақида ўз зиммасига мажбурият олган эди. Мажбуриятнинг бу банди бажарилди: эндиликда бригаданинг ҳар уч аъзосидан бири бешинчи разрядга эга.

— Бизнинг муваффақиятимиз кўп жиҳатдан созловчиларнинг аниқ — пухта ишлашига боғлиқ, — дейди Леонид Недорезов. — Уларнинг оператив ишлаши, ремонтнинг юқори сифатли бўлиши туфайли машина-ускуналарнинг бекор туриб қолиши камайди. Энди ҳамма нарса ўзимизга боғлиқ, минутларни тежасанг — ҳафталарни ютасан...

Эндиликда Недорезов бошлиқ бригада нормани ҳар куни ошириб адо этмоқда. Коллектив беш йиллик планни муддатидан олдин бажаришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ҳозир бригада 1984 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

ХАТОЛАР ТЎҒРИЛАНДИ

ОБЛАСТЬ «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмаси Чирчиқдаги 3-заводнинг Ғазалкентдаги филиали ишчиларидан келган шикоят хатида филиалдаги камчилик-нуқсонлар кўрсатилганди. Хусусан, ҳисобкитоб ишларининг чалкашлиги туфайли радиомеханиклар К. Аширметов ва Т. Рўзибоевлар уч ой мобайнида маош олишмаганлигини маълум қилишганди.

Текширишда хатда келтирилган фактлар тасдиқланди. Шу билан бирга, иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа камчилик-нуқсонлар ҳам аниқланди.

Ғазалкентдаги филиал — телевизор тузатиш ателъеси бошлиғи А. Холдоров, 3-завод инженери Н. Кудряшов, завод катта бухгалтери А. Подгайнаялар ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, юқоридаги ишчиларнинг ойлик иш ҳақларини тўлашда сансалорликка йўл қўйганлар.

Бирлашма директори П. Ботировнинг имзоси билан ана шу масала юзасидан редакцияга келган жавоб хатида шундай дейилади:

— Ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганликлари учун телеателье бошлиғи А. Холдоров ва завод бош инженери Н. Кудряшов ўртоқларга ҳайфсан эълон қилинди. Радиомеханикларга ўз вақтида аванс тўламагани учун катта бухгалтер А. Подгайная жиддий огоҳлантирилди.

К. Аширметов ва Т. Рўзибоевларга уч ойлик маошлари тўланди.

Завод директори А. Бессонов ва катта бухгалтер А. Подгайная ўртоқларга радиомеханикларга аванснинг ўз вақтида тўланишини қатъий назорат қилиб бориш топширилди.

ТАНИБ ҚЎЙИНГ

ОЧЕРК

Зайниддин ака футбол бошланиши олдидан ҳаёлга чўмиб ўтирарди. Кеча келган бемор сира кўз олдидан кетмасди. Бугун эрталаб у кўзини очиб, ўзига келди. Бироқ, бари бир аҳволи оғир...

— Саломалайкум, Зайниддин ака!

Унинг хаёли бўлинди. Ёнига ўгирилдию баланд бўйли, барваста қомат бир йигит ўзига тикилиб турганини кўрди. Дафъатан уни таний олмади: «қаерда кўрганман-а?».

— Саломалайкум, — деди у қўлини узатаркан ҳамон паришонлик билан.

— Мени танимадингиз-а — Зайниддин ака?

— Узр, ростданам эслай олмай турибман, — деди Зайниддин ака бироз ҳижолатли жилмайиб.

— Мен Ўткирман, беморингиз.

— Шошманг, шошманг, сиз Шосултонов эмасмисиз?

— Худди ўзи!

— Буни қаранг-а, жуда ўзгариб кетибсиз, анча тўлишибсиз.

— Албатта-да, — йигит ёйилиб кулди, — сиз «ремонт» қилганингиздан кейин...

Иккаласи ҳаҳолаб кулишиб, қучоқлашиб қайта кўришишди.

...Етмишинчи йиллар эди. Ранги-рўйи синиққан, бир сиқимгина бўлиб қолган йигитни шифохонага замбилда кўтариб олиб келишди. Зайниддин ака уни кўриб чиққач, отасидан сўради:

—Қандай диагноз қўйишган эди?

— Ич буруғи, анча ўтиб кетган, дейишди. 45 кун ётди, сира бери қарай демайди.

Отанинг кўзлари намланди. Бу табиий эди: бир парча этлигидан папалаб катта қилган фарзанди энди вояга етиб, ёрдамчи бўлиб қўлтиғига кирай деганда у билан видолашиш қайси ота учун осон?

Қариянинг киртайиб қолган кўзларидан дардни ўғли билан баробар тортаётгани, кечалари мижжа қоқмай унинг тепасида ўтириб чиқаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Низомов бир кўзлари нурсизлана бошлаган беморга, бир сўнгги илинжи — ундан ҳажот кутиб турган ота-онага қаради-ю, секин деди:

— Операция қиламиз, тузалиб кетади.

— Болаларингизнинг роҳатини кўринг, доктор, ҳамма умидимиз сиздан, болагинам энди йигирма бешга кирди.

Она рўмолининг учи билан кўз ёшларини артарди.

— Сизлар бугун хотиржам бориб дам олаверинглар, операцияни эрталаб қиламиз.

Ота-онага шундай деди-ю, ўзи беморни операцияга ҳозирлашни буюрди. Тайёргарликка атиги бир кун... Тўғрироғи бир кеча. У ҳар сафар оғирроқ операция олдидан жуда ҳаёлчан бўлиб қолади, кўп ўйлайди, бу гал ҳам худди шундай бўлди. Тунда ҳам ором билмади, кўп ўйлади.

Хулосаларни яна бир бор хаёлдан ўтказди: ҳаммаси равшан, касалликнинг ҳамма белгилари аниқланди. Бемор бурма ичагининг орқа деворлари йирингланган, натижада ичакнинг йигирмадан ортиқ ери тешилган! Ичакдан чиққан моддалар эса қорин бўшлиғидаги юпқа ёғли пардани ҳам заҳарлаган. Ҳатто, ёғ тўқималари ҳам маддалаб кетган.

Операция анча узоққа чўзилди. Хирургнинг юзидан йирик-йирик тер томчилари юмалади, киприклар пирпиради, кўзлар ҳорғин. Бутун вужуди эпчил ҳаракатга айланган жарроҳ ўлим билан юзма-юз эди шу тобда. Беҳуш мажруҳ бемор ҳаёти қил устида, тақдирини дақиқалар ҳал этади ҳозир. Ичакдаги йигирмата тешикни «ямаш», бу жонсиз танага қайта ҳаёт бахш этиш, айтмоққа осон холос. У енгди, ўлимни даф қилди!

Низомов бундай натижага умид боғлаган бўлса-да, лекин жиндай шубҳаси ҳам йўқ эмасди: бемор анча ҳолдан кетган, дарди ниҳоятда оғир эди. Бунинг устига уни яна уч оғир операция кутарди. Бошқа иложи йўқ, уч марта ёришга тўғри келади. Дош берармикин? Ёш, дош беради.

Дош берди ҳам...

Зайниддин ака шу даражага етгунча тинимсиз изланишлар, муттасил ўрганиш, тажриба ва малака орттириш, кунларни тунларга улаб меҳнат қилишдан иборат машаққатли йўлни босиб ўтганди. Мана, унинг беғубор умр дафтаридан баъзи саҳифалар.

1953 йил. ТошМИни тугаллаб, Бекободдаги В. И. Ленин номли Узбекистон металлургия заводининг медицина-санитария қисмида иш бошлаган кезлар.

Бир кучи ғира-шира қоронғи туша бошлаган пайтда ҳамшира қиз унинг олдига югуриб келди.

— Ҳа, Башоратхон, тинчликми?

— Сизни навбатчи врач чақираяпти. Касал олиб келишди. Кўричак эмиш.

— Зайниддин дафъатан кўрқиб кетди. Миясига келган биринчи саволни берди:

— Наталья Алексеевна йўқми?

— Кетган эканлар, касал келса Низомовни чақиринг, дебдилар.

Зайниддиннинг кўрқуви баттар ошди: у ҳали бирон марта мустақил операция қилмаган, кечагина институтни тугатиб келган.

Ноилож қабулхонага кириб борди. Бемор ғужанак бўлиб, инграб ётибди. Зайниддиннинг оёқ-қўллари бўшашиб кетди. Лекин орият кучли, атрофдагиларга буни билдирмади.

— Тезда лейкоцитга қон олинг, — буюрди у ҳамширага. Узи операция хонасини очди. Барча асбоб-анжомларни тайёрлай бошлади. Бемор операция столига ётқизилди. Ҳамшира, терапевт — Аҳмаджон ака беморнинг тепасида, Низомов қўлини ювяпти-ю, ҳамон ҳаяжонини босолмайди. Шу пайт, эшик очилиб, остонада Наталья Алексеевна пайдо бўлди. Зайниддин қичқириб юборди шекилли:

— Келдингизми, Наталья Алексеевна! Ҳайрият...

Тажрибали врач ёш хирургнинг ҳозирги қувончини ҳам, вазиятни ҳам тушунди. Тушунди-ю, ҳафа бўлди: «борди-ю етиб келолмаганимдачи?»

Наталья Алексеевнанинг хаёлидан ўтган фикрни Зайниддин ҳам ўқиб олди. Инсон ҳаётида баъзан шундай дамлар ҳам бўладики, лаҳзада дилидан ўтган бирорта орзу қатъий қарорга, асосий мақсадга, яшашнинг мазмунига айланиб қолади. Шу топда Зайниддин учун ҳам ягона эзгу тилак — худди Наталья Алексеевна сингари операция столига хотиржам яқинлашиб, қўлига тиғ ушлаш эди.

Ўз сўзида туриб олди. Орадан кўп фурсат ўтмай амалий тажриба, малака орттириш, учун ТошМИга жўнади. У профессор Содиқ Алиевич Маъсумов раҳбарлигида ишлай бошлади. Профессор бу йигитдаги синчковлик, сидқидиллик, зийраклики кўриб унга эътиқод қўйиб қолди, ундан «бир нарса чиқишига» кўзи етди. Кўзи пишган сайин унга секин-секин мураккаб операцияларни ҳам ишониб топширадиган бўлди.

Низомов хирург сифатида шу ерда шаклланди. Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деганларидек мураккаб операцияларда иштирок этар, «икир-чиқири» гача ўз кўзи билан кўрар, тобора дадиллашиб борарди. Қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси билан боғлиқ бўлган касалликларни даволашни ҳам ўрганди, буқоқни операция қилишга қўл урди.

У Бекободга бутунлай мустақил хирург бўлиб, дадил қадамлар билан қайтиб келди. Бир-икки йил ўтгандан кейинроқ шаҳарда «тошкентлик қўли енгил доктор» бўлиб танилди.

Йиллар ўтди. Одамлар соғлиги, ўзи ишлаётган муассасаларнинг ривожи учун ўзини бағишлаган сермазмун йиллар. У қаерда ишламасин, бир жойда туриб қолмади, олдинга интилди, изланди, эришди. Зайниддин ака энди оддий жарроҳгина эмас, Сирдарё районида санитария-ме-

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Шийпон олдида оловранг байроқ майин ҳилпираб турибди. Байроқ остидаги қизил тахтачага ёзилган ёзувга кўз ташлаймиз.

— Меҳнат шуҳрати байроғи механизаторлар Шуҳрат Эргашев ва Миркомил Мирсаитов шарафига кўтарилди.

Шийпон атрофлари ҳозир яшнаб кетган. Ўртадаги гуллар чамандек очилиб ётибди. Барра пиёзлар, помидорлар чопиқдан чиққан. Томорқага карам, редиска ҳам экилган. Рўзғор учун зарур резаворларнинг ҳаммаси шу ердан чиқаяпти.

— Ҳамма дала шийпонида тушлик қилади,—дейди шийпон мудири В. П. Ким. — Бу йил ремонт ишларини анча барвақт тугаллаган эдик. Экиш бошлангунча ҳаммаёқни тартибга келтириб, хоналарни жиҳозлаб қўйдик. Энди бу ердан одам аримай қолди. Колхозчилар тушки дам олиш соатларида газета ва журналлар ўқишади, радио тинглаб, телевизор томоша қилишади. Ҳозир лекция ва суҳбатлар ҳам йўлга қўйилган. Яқинда дала шийпонида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доцентлари К. Умаров, А. Насриддинов меҳмон бўлишди. Улар дам олиш соатида халқаро аҳвол ва атеизм темасида қизиқарли лекциялар ўқиб беришди, кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Шийпон хоналарига очиқ равондан ўтилади. Равон ўртаси йўлка. Икки томондаги сўриларга янги полослар, улар устига кўрпачалар тўшалган. Ҳаво майин, ғир-ғир шабада эсиб турибди. Ариқлардан шилдираб оқаётган сувнинг овози яна ҳам ёқимли. Тушликка чиққан колхозчилар ҳозир шу ерда ҳордиқ чиқаришаяпти.

Шу пайт шийпонга колхоз касаба союз комитети раиси Лаврентий Гаврилович Пак келиб қолди. У дала шийпонларини айланиб юрган экан. Бу ердаги жиҳозларни ҳам синчиклаб кўздан кечирди: аптечка жойида, радио, телевизор ишлаб турибди, холодильник масалликка тўла, сотувчисиз дўконда кундалик рўзғор учун зарур бўлган ҳамма нарса бор.

— Мусобақадошингизнинг марралари сизларга маълумми? — сўради Лаврентий Гаврилович Искандар Хўжакаевдан.

— Мана, махсус тахтачага ёзиб қўйдик, — деди бригада бошлиғи.

Искандар ака бошлиқ 18-бригада Эргаш Мирсомонов бошлиқ 21-бригада билан мусобақадош. Ўтган йили 18-бригада аъзолари 54 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 36,6 центнер ўрнига 43,5 центнердан пахта ҳосили олдилар. Канап ҳосилдорлиги эса 240 центнерга етди. 21-бригада аъзолари ҳам бўш келишмади. Пахта ҳосилдорлигини 42,5 центнерга етказишди. Бу йил ҳар иккала коллектив оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Искандар ака бошлиқ коллектив 45 центнердан, Эргаш ака бошлиқ бригада эса 43,5 центнердан пахта ҳосили олишга бел боғлаган. Янги мажбуриятлар махсус тахтага ёнма-ён ёзилиб дала шийпонига осиб қўйилган.

— Бу йил яна бир қадам олға босар экансизда, — мамнун жилмайди Лаврентий Гаврилович. — Ия, жанговар варақа ҳам чиқибдику.

Касаба союз комитети раиси шийпондан тушиб ошхона томон юрди. Ҳаммаёқ оқланган, кўкланган. Ичкари саранжом-саришта. Ошхонага бу йил кўчма газ келди. Газ жон роҳати экан. Плитанинг бир томонида чой қайнаяпти, иккинчи томонида овқат пишаяпти. Идиш-товоқлар шкафда тахлоғлиқ турибди.

— Бошқа дала шийпонларимиз ҳам бундан қолишмайди, — дейди «Политотдел» колхози III «Интернационал» участкаси цех партия ташкилоти секретари Асилжон Уташев. — Ҳозир участкамиздаги 5 та бригаданинг ҳаммасида дала шийпони бор. Улар эрта баҳорда ремонтдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ҳар бир дала шийпонининг ўз ёрдамчи хўжалиги ҳам бор. Бултур масалан, Искандар ака бошлиқ бригада аъзолари гўштни четдан олишмади, ўзлари етиштиришди. Бу йил ҳам шундай бўлаяпти. Ҳозир бригада ёрдамчи хўжалигида 2 та қорамол ва 1 та от боқилаяпти.

— Колхозимизда ҳаммаси бўлиб 11 та типовой ва 6 та мавсумий дала шийпонлари ишлаб турибди, — суҳбатимизни давом эттирди Лаврентий Гаврилович. — Бу йил улар учун 35 минг сўмлик турли жиҳозлар сотиб олинди. Шийпонларнинг ҳаммаси электрлаштирилган, газлаштирилган, радио, телевизор, холодильник билан таъминланган. Ҳозир 20-бригадада яна бир қўш қаватли дала шийпони қураяпмиз. У мавжуд дала шийпонларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бу ерда йил бўйи ишлайдиган боғча, кинофильмлар намойиш этиладиган махсус зал бўлади. Одамларнинг маданий дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратиб берилади. Бундай ғамхўрлик колхозчиларни янада унумли ва сифатли меҳнат қилишга ундаяпти.

«Политотдел» колхози областимизнинг энг йирик хўжаликларидан бири. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари комплекс ривожланмоқда. Мўл ҳосил эвазига катта даромад олинмоқда. Даромаднинг бир қисми социал-маданий тадбирларга сарфланаяпти. Қурилаётган янги дала шийпонлари, улар учун олинаётган жиҳозлар колхоз бўйича бажарилаётган катта социал-маданий тадбирларнинг бир қисмидир, холос. Бу соҳада колхоз тажрибасини кенг ёйса арзийди.

Ж. НОСИРОВ,
Коммунистик райони.

ДАЛА ШИЙПОНИ — ДЕҲҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ

ТУНЛАРНИ КУНГА УЛАБ

ОҚҚУРҒОН районидаги «Оққўрғон» совхозининг Б. Сариев бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил мавжуд 110 гектар пахта майдонидан 40 центнердан хирмон уйиш учун курашишяпти. Айни кунларда бригада аъзолари ана шу юксак маррани эгаллаш учун мустаҳкам замин ҳозирлаб боришмоқда. Экинлар ўз вақтида озиқлантирилиб. культивация сифатли ўтказиляпти. Шунинг учун ҳам улар баравж ўсмоқда. Н. Қурбонова, Э. Менгалиева ва Л. Сафарова ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ғўзаларни ягана қилиш, бегона ўтларга қарши курашишда алоҳида жонбозлик кўрсатишяпти. Механизатор Р. Сафаров ҳар куни 7—8 гектар майдондаги ғўзаларни сифатли культивация қилиш билан бирга, бир йўла озиқлантирмоқда.

Сувчилардан Ф. Мустафоев, Ж. Сафаров, Р. Қуртаметовлар тунларни кунларга улаб, ғўзаларни оби-ҳаётга қондиришмоқда.

Т. ЗОКИРОВ.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

ЭСКИ ПРЕПАРАТНИНГ ЯНГИ РЕЦЕПТИ

Кўсак қуртини қирувчи машҳур микро-биологик препарат-дендробациллин ишлатиш янги усули зараркунандаларга қарши ҳар гектар ғўза майдонига ишлов бериш нархини ярим баравар камайтиради. Бу усул ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган.

Стандарт дендробациллининг кўсак қуртига қарши таъсир кучи оз. Бунинг сабаби шундаки, Иркутск давлат университетининг олимлари препаратни яратганларида уни Сибирь ўрмонларини қуртадиган ҳашаротга мўлжаллагандилар. Дендробациллин кўсак қуртига яхши таъсир этмоғи учун унинг ҳар икки килограммига 300—500 граммдан қимматли ва ғоят заҳарли севин химиявий препаратини қўшиш керак. Бу эса ишлов бериш нархини анча ошириб юборади, бундан ташқари севин нафли хашаротларни қириб юборади, экин ўсишини бир мунча тўхтатади, ҳосилдорликни камайтиради.

Институт олимлари захарли химикат қўшишдан воз кечишни таклиф этдилар. Дендробациллининг кўсак қуртига қарши самарадорлигини камайтирмаслик учун таркибидаги зараркунанда касаллигини кўзғатувчи элементни 3 баравардан зиёд оширишни таклиф қилдилар.

Янгилик институтнинг тажриба далаларида синаб кўрилганда соф микробиологик препарат орттирилган концентрациясининг самарадорлиги севин аралашмасига нисбатан паст бўлмай, ундан хатто юқори эканлигини кўрсатди. 16 гектарли майдонда 90 процентдан кўп зараркунанда қирилди. Айни маҳалда нафли ҳашаротлар даҳлсиз қолаверди. Ҳосилдорлик контроль участкага нисбатан гектар бошига 2 центнер ортиқ бўлди.

В. ПРУГЕР,
ЎзТАГ мухбири.

НАСОСЛАР ИШГА ТУШСА...

ЧИНОЗ районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг 4-бўлими территориясидан оқиб ўтувчи Бўзсув канали суви тўғри бориб Сирдарёга қуйилади. Илгари бу сувдан фойдаланиш имконияти чегараланган эди. Мелиораторларнинг ёрдами билан бу каналга йирик насослар ўрнатилди. Бу насослар орқали олинган сув Жўн ариғига қуйилади.

Ҳар бири 3200 киловатт қувватга эга бўлган иккита насос ишга тушгач, улар ёрдамида секундига 2 куб метр сув 50 метр баландликдаги ариққа чиқарилади. Икки сув иншоати оралиғи 1800 метр масофани ташкил этади. Ҳозирги кунда ҳар бирининг диаметри 72 сантиметрдан бўлган икки қатор қувур шу оралиққа ётқизилмоқда.

Ҳашар йўли билан қурилаётган бу иншоотни бунёд этишда районнинг 20 дан ортиқ корхона, ташкилот, хўжаликлари вакиллари қатнашяптилар. Улар ўзаро мусобақалашиб ишламоқдалар. Чиноз пахта тозалаш заводи пайвандчиси А. Маришин, «Партия XXIV съезди» совхози ишчиси А. Маматмуродов, Карл Маркс номли колхоз аъзоси А. Оллаёров, Энгельс номли колхозидан А. Бадриддинов, норуда қурилиш материаллари комбинатидан В. Соколов сингари ўртоқлар насос қурилишида алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Қ. ҒУЛОМОВ.

УҲИ, ОДАМЛАР!

дицина бирлашмасида бош врач эди. Кўп меҳнати сингди бу ерда. Ташкилотчилик қобилияти ҳам чинакам синовдан ўтди.

Ҳар бир соҳада ҳам пишиқ, етилган мутахассиснинг жазмани кўп бўлади. Зайниддин акага яна кўчишга тўғри келди. 1967 йил уни пойтахтга — янги ташкил этилган 17-шаҳар клиник касалхонасининг хирургия бўлимига таклиф қилишди. У ўшандан бери бу ерда проктология бўлимининг мудири.

Аслида ҳамма гап мана шу шифохонадан бошланганди. Тошкентдек шаҳри азимда Зайниддин Низомов деган моҳир жарроҳ борлиги, умуман, тошкентликлар орасида шундай одамнинг мавжудлиги етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди. Худди шу ҳақда ёзаман деб, хаёлимга келтирмагандим ҳам.

Тасодифни қаранг, дардига ундан нажот топган одамлар билан учрашиб қолдим. Унинг қўлида қайта туғилганлар ҳақида сўзлаб беришди. Табиий, қайси бемор кимдан шифо топса, ўшандан умр бўйи миннатдор, уни «пропаганда» қилади, жарроҳ тиғи билан мушкули осон бўлган одам назарида ўшандан ўткирроқ врач йўқ, бу оламда!

Мен Зайниддин ака қўлида «тилка-пора» қилиниб, ҳозир отдек бўлиб кетганларнинг унга бўлган меҳри, ҳурмати, миннатдорчилигини тўлиқ етказиб беролмасам керак, муҳтарам ўқувчи.

Бу ҳақда ёзиш керак. Учрашаман, ёзаман, токи одамлар уни таниб қўйсин. Шундай қарорга келдим. Бордим, кўрдим, учрашдим. Унинг маҳоратини ўргангач, тан бердим.

— Зайниддин ака бир йилда неча беморни даволайсиз?

— Урта ҳисобда 1400—1500 беморнинг менга иши тушади. Шулардан 640—650 кишини операция қилишга тўғри келади.

— Хирургиянинг проктология бўлимига қандай касалликлар киради?

— Проктология 85 хил касалликни ўз ичига олади, операция қилишнинг эса 50—60 хил йўли бор.

Айтишга осон, 50—60 хил!

...Касалликлар асосан тўғри, йўғон ва бурма ичакларда бўлади. Масалан, парапроктит касаллигининг пайдо бўлишида ёш ва жинс, лат ейиш, ичакнинг тирналиши, жароҳатланиши, бавосил, чаноқ бўшлиғидаги касалликлар, қанд касаллиги, сил, дизентерия, сепсис, ич терлама каби хасталиклар сабабчи бўлади.

Суҳбат давомида Зайниддин ака ўзини ўйлантираётган, пишиб етилган, ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳақида ҳам мулоҳазалар билдириб қолди.

— Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, шу 40 ўринли проктология бўлими ҳозирча шаҳримизда ягона. Бу етарлимас, албатта. Бунинг устига болалар проктология касаллигини даволайдиган махсус бўлим йўқ. Афсуски, бундай касаллик болаларда ҳам учраб туради. Бизга олиб келишади. Шундай пайтда бизда болалар бўлими йўқ, деб қайтаролмаймизку! Қани энди, шу ишлар тезроқ амалга ошса...

Елкамга оқ халат ташлаб хирург билан палаталарга кирдим. Озода, шинам хоналар. Катталар орасида болаларга ҳам кўзим тушди.

Кечагина операциядан чиққан 12 ёшлар чамасидаги болани менга кўрсатиб:

— Мана бу болани менинг ўғлим операция қилди, —деди.

— Ия, ўғлингиз ҳам хирургмилар?

— Ҳа.

— Шу бўлимда ишлайдиларми?

— Ишларди. Яқинда травмотология бўлимига ўтказишди, кадр етишмагани учун, — қўшиб қўйди у.

— Сизларда кадрлар кераги-дан ортиқми?

— Ҳозирча бизда ҳам етишмайди. Бу сўзларни у қандайдир бир норозилик, афсус оҳангида айтди...

— Ўғлингиз сизнинг касбингизга қизиқар эканлар-да?

— Жудаям. Бўш вақт топса, дарҳол шу ерга келади, операцияларда ёнимда туради. Баъзан ўзиям мустақил тиғ тортаверади...

Суҳбат давомида касбининг нозик-нозик томонларини эшитганим сари уни заргарга қиёслайман. Лекин бу ўхшашликдан ер билан осмонча фарқ кўрдим. Заргар мабодо хато қилса, тузатиш мумкин. Ясаган буюмини қайта ишлайди. Аммо, операция даврида хирург хатога йўл қўйсачи, уни тузатиб бўларми-кин?

Беихтиёр унга шу савол билан мурожаат қилиб қўйганимни сезмай қолдим.

— Заргарни билмадим-у, лекин биз хато қилишга ҳақ-қимиз йўқ, — дейди мийиғида кулимсираб.

Бир нарсани яққол сездим. Зайниддин ака суҳбат давомида ўз устози Содиқ Алиевич Маъсумовнинг номини кўп тилга олди. Афтидан домланинг жуда катта меҳнати сингганга ўхшайди.

— У кишининг: «Нега қўлинг титрайди? Билиб қўй, дақиқалар ортида ҳаёт, инсон умри турибди. Бировнинг ҳаётини шу дақиқада сақлаб қолиш сенинг қўлингда. Тез, чаққон, бардам ҳаракат қил!..» деган сўзларини доимо дилимда сақлайман, сира унутолмайман,— дейди у.

Суҳбатимиз охирлаб қолганди, шу пайт эшик очилди. Ёши олтмишларни қоралаб қолган бир киши кўринди:

— Киришга рухсат этинг, доктор?

Зайниддин ака унга бир сония тикилди-ю, чехрасига табассум балқиб, ўрнидан турди:

— О-о, Иван Николаевич, киринг-киринг!

Улар қучоқлашиб кўришдилар.

— Қандай шамол учирди, Иван Николаевич, қани-қани ўтиринг-чи.

Зайниддин ака меҳмонга бир пиёла чой қуйиб узатаркан, бизни таништирди. — Бу киши ўн йиллар илгари бизда даволанган эдилар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Свижельцев, ҳозир Уральскда яшайдилар. Сўнг мени таништирди.

— Сиз мухбирмисиз, жуда яхши,— деди Иван Николаевич хурсанд бўлиб, — мен жанг майдонида бир ўлимдан қолган бўлсам, Зайниддин мени иккинчи бир ўлим чангалидан юлиб олди. Тошкентда яшайдиган қизимникига келган эдим, энг аввал докторни бир зиёрат қилиб ўтай дедим. Бу киши ҳақида китоб ёзса ҳам арзийди.

Ветеран шундай дея қўлидаги икки дона — оқ ва қизил чинни гулларни Зайниддин акага узатди.

— Оқ — поклик, қизил — ҳаёт рамзи, доктор. Бу икки рамз, менинг назаримда, сизнинг ҳаётингизга ўхшайди...

У ҳақ гапни айтди. Шу ерда нуқта қўймоқчи эдим, назаримда бунинг ўзи кифоя қилмагандек туюлди менга. Қўшимча қилиб шуни айтмоқчиман: таниб қўйинг уни, одамлар!

Мактуба ШАРИПОВА.

Халқаро ҳаёт

ВАҲШИЁНА ҲУЖУМ ҚУРБОНЛАРИ

● МАПУТУ. (ТАСС). Мозамбик ахборот министри Жозе Луиш Кабасу маҳаллий ва чет эл мухбирлари билан бу ерда бўлиб ўтган учрашувда қуйидагиларни маълум қилди: Жанубий Африка Республикаси ҳарбий ҳаво кучлари самолётларининг Мапутуга қароқчиларча қилган ҳужуми натижасида тинч аҳолидан етти киши, жумладан, икки аёл ва бир бола халок бўлди ҳамда 40 киши жароҳатланди.

Мозамбик пойтахтига ҳаводан қилинган иғвогарона ҳужум, деб таъкидлади министр, — ирқчи Жанубий Африка Республикасининг Мозамбикка ва Африкадаги бошқа мамлакатларга қарши олиб бораётган ва эълон қилинмаган урушнинг таркибий қисмидир.

Кам сонли оқ танлилар режими, деди министр, Африкадаги қўшни мамлакатларда вазиятни издан чиқаришга, уларнинг мустақил ривожланиши ва ҳамкорлик қилишига ҳалақит беришга уринмоқда. Ирқчилар ана шу мақсадга эришмоқ учун ҳарбий агрессия йўлига ўтиб олмоқдалар, қуролли шайкаларни юбормоқдалар, иқтисодий тазйиқ кўрсатмоқдалар.

Нуқул граждан объектларига: консерва фабрикаси, уй-жой кварталлари, Матола дарёси устидаги кўприкка, Мапуту чеккасидаги савдо марказига атайлаб ҳужум қилинганлиги диққатга сазовордир. Ўз кўзи билан кўрганларнинг айтишича, бу ҳужумда Англия ва Францияда ишлаб чиқарилган самолётлар қатнашган. МХР миллий мудофаа министрлиги вакилларининг гапларига қараганда, ирқчи газандалар катта калибрли пулемётлардан ва «ҳаво-ер» классидаги парчаланувчи ракеталардан фойдаланганлар. Самолётлар Америка ва Англияда ишлаб чиқарилган радар қурилмалар ёрдами билан мўлжалга йўналтириб турилган. Ҳужумни тайёрлашда АҚШ Марказий разведка бошқармаси актив қатнашган.

Иоганнесбургдан олинган хабарларга қараганда, ЖАР ташқи ишлар министри Р. Бота Африка жанубидаги мустақил мамлакатларга яна қароқчиларча ҳужум қилиш билан ошкора таҳдид этган.

● ЛУСАКА. 25. (ТАСС). Замбия қуролли кучлар қўмондонлиги республика гражданларига мурожаат қилиб, ҳушёрликни мустаҳкамлашга даъват этди. ЖАР ҳарбий-ҳаво кучларининг Мапутуга қилган ҳужуми муносабати билан миллий телевидение орқали эшиттирилган мурожаатда Претория режимининг Замбияга қарши ана шундай иғвогарлик қилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

● АДДИС — АБЕБА. 25. (ТАСС). Африка бирлиги ташкилотининг бош секретари Э. Кожо Эфиопия янгиликлар агентлиги мухбири билан суҳбатда бундай деди: Жанубий Африка самолётларининг Мозамбик пойтахтига қилган ҳужуми Апартеид режими региондаги давлатларга қарши террор ва агрессияни авж олдиришда янги босқич бўлди. Шу нарса диққатни ўзига жалб этадики, деб таъкидлади у, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Намибия масаласини муҳокама қилишга киришган айни бир пайтда мана шундай ваҳшиёна ҳужум қилинди. Претория шу йўл билан мустақил Африкага тазйиқ ўтказишга, уни қитъада ирқчилик ва апартеидни тугатиш учун олиб борилаётган курашдан воз кечиш учун мажбур этишга умид боғламоқда.

СОВЕТ КИТОБЛАРИ КАМПУЧИЯДА

● ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Бу ерда совет китоблари кўргазмаси очилди. Кўргазмада кхмер, рус, француз ва инглиз тилларида СССРда нашр этилган сиёсий, илмий оммабоп, бадиий, болаларга мўлжалланган китоблар кенг намойиш қилинмоқда.

Кўргазмани халқаро китоб бирлашмаси КХР ахборот, матбуот ва маданият министрлиги билан биргаликда ташкил этди.

ТАИЛАНДНИНГ ҚУРОЛЛИ ИҒВОГАРЛИКЛАРИ

● ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Кампучиянинг СПК ахборот агентлиги хабар қилишича, Таиланд КХРга қарши қуролли иғвогарликларни давом эттирмоқда. 13 майдан 19 майгача бўлган давр мобайнида Таиланд ҳарбий ҳаво кучлари самолётлари республика осмон чегараларини 5 марта бузган, Таиланд кемалари эса унинг территориал сувларига 84 марта бостириб кирган. Кампучиянинг чегара районлари Таиланд территориясидан туриб тўплардан ўққа тутилган.

* * *

● **ПРАГА. Совет фани ва маданияти уйида ТАСС фотокўргазмаси очилди. Кўргазмада намойиш этилаётган ТАСС ҳарбий фотомухбирларининг суратлари 1943 йилда Қизил Армия томонидан ўтказилган стратегик операциялар, Сталинград, Курск жанглари, Ленинград қамалини ёриб ўтиш тўғрисида ҳикоя қилади.**

Суратда: кўргазма залларидан бирида.

ЧТК—ТАСС телефотоси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

«БАЛКАН»НИНГ ЯНГИ МАРШРУТИ

● СОФИЯ. (ТАСС). Болгариянинг «Балкан» авиакомпанияси янги ҳаво йўлини очди. «ТУ-134» самолёти ҳафтада бир марта Бургасдан Ленинградга ва у ердан орқага қайтиб, 2 соат 55 минутда 275 километр масофани учиб ўтади.

Реконструкция ва модернизация қилинганидан кейин Болгарияда энг яхши аэропортлардан бирига айланган Бургас аэропорти ҳозирги вақтда Совет Иттифоқидаги уч шаҳар—Москва, Киев ва Ленинград ўртасидаги ҳаво йўллари билан боғланган.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДАЪВАТИ

● ВАШИНГТОН. (ТАСС). Тинчлик ва озодлик учун курашувчи хотин-қизлар халқаро уюшмаси — оммавий жамоатчилик ташкилоти жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилиб, Америка ракета-ядро қуролларини ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисидаги ғоятда хатарли режаларга қарши курашни кучайтиришга даъват этди. Бу ташкилот АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг қарийб миллион нафар хотин-қизини бирлаштиради.

Америка конгресси аъзоларига номига уюшма йўллаган мактубда бундай дейилади: «Биз биринчи зарба урувчи қанотли ракеталарнинг ва «Першинг-2» ракеталарининг Европа қитъасида жойлаштирилиши ядровий қуролланиш пойгасини янада кучайтиришга, жаҳонни ядро уруши ёқасига олиб келишига қатъий аминмиз». Мактубда Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббуслари Америка жамоатчилигининг кўпчилиги томонидан ижобий жавоб берилишига лойиқдир, деб алоҳида таъкидланади.

ФИТНА ФОШ ЭТИЛСИН

● ДАМАШҚ. (ТАСС). Сурия ишчилар касаба союзлари умумий федерацияси ва Қувайт касаба союзлари умумий федерацияси, АҚШ бошчилигида имзоланган Ливан—Исроил битимини кескин қораладилар. САНА агентлигининг Сурия ишчилар касаба союзлари умумий федерацияси делегациясининг Қувайтга қилган визити якунларига доир тарқатган баёнотида айтилишича, бу битим империализм билан сионизмнинг Ливанда ва умуман Яқин Шарқда танҳо ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган. Икки мамлакат касаба союз бирлашмалари араб меҳнаткашларини араб халқига қарши янги хатарли фитнани фош этиш йўлида Ливан миллий озодлик кучларини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

БРИТАНИЯ ОЛИМЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Британиянинг таниқли олимларидан бир группаси — профессорлардан Ф. Барнаби, Ж. Ротблэт, Р. Хайид, Ж. Монгар, Х. Роуз ва бошқалар инглизларга мурожаат қилиб, ядровий қуролланиш пойгасига қарши, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш учун курашни кучайтиришга даъват этдилар.

Ҳозир инсониятни халокатдан сақлаб қолиш мақсадида янги жаҳон урушининг олдини олиш учун конкрет тадбирлар кўриш ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир, деб таъкидланади улар тарқатган баёнотда. «Қуролланиш пойгасини тўхтатиш — планетамизда халқаро хавфсизликни ҳам, ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлигини ҳам таъминлашнинг ягона йўлидир», — дейилади ҳужжатда.

Бунинг учун, деб таъкидлайди инглиз олимлари, биринчи навбатда ядровий қуролларнинг янги турларини ҳамда уларни элтувчи воситаларни синашни, ишлаб чиқариш ва жойлаштиришни тугатишга эришиш зарур. Айнан шундай тадбир, деб таъкидланади баёнотда, янада хатарли равишда кучайиб кетаётган қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлидаги дастлабки амалий қадам бўлади.

АФҒОН МЕДИКЛАРИНИНГ ПРОБЛЕМАЛАРИ

КОБУЛ. (ТАСС). Демократик Афғонистон ҳукумати медицина муассасалари тармоғини кенгайтира бориб, госпиталлар ва поликлиникаларни замонавий ускуналар билан таъминлаб, меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик қилмоқда. Масалан, Афғонистон пойтахтидаги учта поликлиникадагина сўнги ўн икки ой мобайнида 1 миллиондан ортиқ киши малакали медицина ёрдами олди.

Медицина хизмати системасини ривожлантириш бош планига мувофиқ, янги 25 йилда Кобулда умумий типдаги 50 та касалхона ва туғруқхоналар, ўнлаб район поликлиникалари, 10 та тез ёрдам станцияси ва бошқа даволаш муассасалари қурилади ва реконструкция қилинади.

Аҳолига медицина хизмати соҳасида ҳозир ҳам врачлар, медицина ходимлари етишмаётганлиги асосий проблемалардан бири бўлиб қолмоқда. Бироқ бу проблема ҳам муваффақиятли ҳал этилмоқда.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

● РИМ. (ТАСС). Бу йил дастлабки икки ой мобайнида Италиянинг йирик саноат корхоналарида иш билан таъминлаш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб беш процент қисқарган, деб хабар қилади марказий статистика институти. Ишчи ўринларини қисқартириш жараёни энг аввало саноатнинг тўқимачилик ва машинасозлик тармоқларида бошлаб юборилди. Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Италияда «ортиқча» кишилар армияси, 2 миллион кишидан ошиб кетган.

● **Ғарбий Берлинда тинчлик оммавий намойиши бўлиб 25 мингга яқин киши АҚШ тарафдорларининг Европада ўртача олисликка ўтди. Унда иштирок этган ро қуролларини жойлаштиришга маъмуриятининг Ғарбий Европадаги Америка янги ядқатъий норозиликларини ро ракеталарига қарши билдирдилар.**

Суратда: тинчлик тарафдорларининг намойиши.

АДН—ТАСС телефотоси.

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 26. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлик ташкилоти Ливанга тиқиштирилган Исроил билан тузилган битимни таҳқид қилиб чиқди. Қўшма Штатларнинг тазйиқ остида имзоланган битим, дейилади ташкилотнинг бу ерда эълон қилинган баёнотида, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ливандан Исроил қўшинлари сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилувчи резолюцияларига зиддир. Шартнома амалда Исроилнинг мазкур мамлакатни оккупация қилиб туришини ва унинг территориясида Американинг ҳарбий кучлари бўлишини кўзлайди, бу эса региондаги бошқа давлатлар мустақиллиги ва суверенитетига бевосита хавф туғдиради.

Ливан—Исроил битими, деб таъкидланади баёнотда, биринчи навбатда Американинг Яқин Шарқдаги стратегик манфаатларига хизмат қилади ва дунёнинг мазкур районида кескинликни янада кучайтиради. АҚШнинг Яқин Шарқ хусусидаги сиёсати энг аввало у ерда Америка ҳукмронлигини ўрнатишга, араб миллий озодлик ҳаракатига путур етказиш ва региондаги табиий ресурсларни талон-тарож қилишга мўлжалланган.

Қўшма Штатлар, дейилади ҳужжатда, барча тинчликсевар кучларнинг норозилигига қарамай, Исроилга тобора кўпроқ ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ёрдам бериб, унинг Ливанга ва қўшни араб мамлакатларига қарши агрессив ҳатти-ҳаракатларини рағбатлантирмоқда. Яқин Шарқдаги Америка—Исроил бирғаликдаги ҳуружларини Вашингтоннинг бутун дунё миқёсида вазиятни кескин кучайтиришга қаратилган кенг кўламдаги стратегияси бир қисми, деб баҳолаш керак.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти, дейилади баёнотда, Ливан халқининг ўз мамлакати мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлиги учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаяжагини тасдиқлайди, ўз миллий ҳуқуқлари, жумладан ўзининг мустақил давлатини тузиш ҳуқуқи таъминланиши учун курашаётган паластинлик араб халқи билан бирдамлик изҳор қилади. Ташкилот араб мамлакатларидаги империализмга қарши барча кучларни Америка—Исроил хавфи кучайиб бораётган бир пайтда бирликни мустаҳкамлашга даъват этди.

СССР ХАЛҚЛАРИ VIII ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИ МУСОБАҚАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СПОРТИМИЗНИНГ КАТТА ЎРИГИ

Қуйи физкультура коллективларида оммавий равишдаги стартлар билан бошланган СССР халқларининг VIII ёзги Спартакиадаси ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақаларнинг бошланғич босқичида пойтахт области физкультурачилари ҳам фаол иштирок этдилар. Ҳал қилувчи босқичда областимизнинг 590 минг спортчисидан 145 вакил республика терма командасига номзод қилиб танлаб олинди. Улар спортнинг 23 тури бўйича беллашадилар.

Спортчиларимиз мамлакатда физкультура ҳаракатининг қандай ривожланаётганлигини кўрсатиб берувчи бош кўрик ҳисобланган Спартакиада мусобақаларида серқуёш ўлкамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга шай туришибди. Дарвоқе, мусобақаларнинг биринчи кунидаёқ областимиз вакиллари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Марафонча югуришда республика умумий жамғармасига ангренлик Николай Белобродов 18 очко, чирчиқлик Татьяна Гриднева 16 очко қўшдилар.

Дастлабки муваффақият спортчиларимизнинг кучлилар қаторида муносиб беллашишларига, ғалаба учун юксак маҳорат кўрсата олишларига ишонч руҳини туғдирди. Республикамиз терма командаси номзодлари орасида маҳоратли ва тажрибали спортчилар анчагина. 1982 йилги Тинчлик велопойгасида қатнашиб, совринли ўринларни олган Ш. Загритдинов, Ю. Абрамов, И. Боков, мамлакат боксчиларининг саралаш матчларида иштирок этиб ном қозонган З. Абдуқодиров, Ю. Еремеев, В. Лискинлар ана шулар жумласидандир.

Биз бу сафарги Спартакиадада енгил атлетикачилар А. Парнов, Г. Белков, М. Сухарева, ёш гимнастикачи З. Ёқубова, оғир атлетикачи А. Шмигов, Л. Нам, эшкак эшувчилар Э. Муродасилов, Ю. Собилевларга катта умид боғламоқдамиз.

Спартакиада мусобақалари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йил сентябрь ойида қабул қилган «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қароридан сўнг ўтказилмоқда. Бу программавий ҳужжат совет кишиларини жисмоний жиҳатдан камол топдиришда, физкультура ва спортни кундалик ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб боришида бош йўналишни белгилаб берди.

Ана шу қарорни ўзларига дастуруламал қилиб олган областимиз физкультурачилари эришаётган ютуқлар салмоқлидир. Ҳозир областимиз саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, муассасалар ва ўқув юртларида 1265 қуйи физкультура коллективлари фаолият кўрсатмоқда. Муайян спорт турлари бўйича ишлаб турган секцияларда мунтазам шуғулланаётганлар сони 316,8 минг кишидан ошиб кетди. Уларнинг 234,8 минг нафари қишлоқ вакилларидир. Кейинги йилларда спортнинг миллий турлари янада ривож топди.

Физкультура ҳаракатининг оммавий тус олганлиги кўплаб маҳоратли спортчилар тайёрлаш имконини беряпти. Ўтган йили областимиз бўйича 189 мингдан кўпроқ оммавий разрядли, 2735 биринчи разрядли ва СССР спорт мастерлигига номзод, 74 СССР спорт мастери ва тўрт нафар Халқаро классдаги СССР спорт мастери тайёрланди. Биз турли ёшдаги ва касбдаги минглаб кишиларни физкультура ва спорт билан шуғулланишларига кенг имконият яратиб бермоқдамиз. Бу борада район ва шаҳарларда ўтказилаётган анъанавий югурувчилар ва сузувчилар кунлари, ГТО ҳафталиклари муҳим аҳамият касб этаётир. Саноат корхоналарининг спорт базаларидаги югуриш ишқибозлари, саломатлиқ ва туризм клубларига келаётганлар сони йил сайин ортиб бораётир.

Ҳозир областимиздаги ГТО группаларида 44 минг киши, саломатлик группаларида 9,7 минг киши, туризм клубларида 22 минг киши мунтазам шуғулланаётир. Турар жойларда спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу ерлардаги 24 болалар спорт клуби 10 мингдан ортиқ ишқибозларни ўз бағрига олган.

Қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Бригада билан — стадионга», «Оила билан — стартга» каби тадбирлар физкультура ва спортни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Ана шундай тадбирлар натижасида ўтган йили 208 минг ГТО нишондори тайёрланди.

Физкультура ва спорт ҳаракатининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозир 25 та стадион, 391 та спорт зали, 19 та сузиш ҳавзаси, 119 та мерганлик тири, 3,8 минг спорт ва ўйин майдонлари областимиз физкультурачилари ихтиёрига бериб қўйилган. Уларда ҳар куни ўрта ҳисобда 163 мингга яқин киши ўз маҳоратини ошириб, саломатлигини мустаҳкамламоқда.

СССР халқлари VII Спартакиадасидан бери ўтган тўрт йил якунларига назар ташлаб, аҳоли кенг қатлами ўртасида олиб борилаётган ишларимиз форма ва методлари янада такомиллашганлигини мамнуният билан қайд этамиз. Бу борада «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти вакиллари, пойтахт армиячилари ва динамочилар, айниқса, самарали меҳнат қилганларини таъкидлаб ўтиш лозим. Республика терма командасига номзодларнинг аксариятини шу жамият аъзолари ташкил этадилар. Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен шаҳарларининг, Коммунистик, Бўстонлиқ районларининг спорт ташкилотлари малакали кадрлар тайёрлашда бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Ютуқларни таъкидлаш билан бирга, йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам қайд этиб ўтиш керак. Областимизда спортнинг сузиш, бадиий гимнастика, стендга отиш, теннис, қиличбозлик ва бошқа айрим турлари суст ривожланмоқда. Қишлоқ аҳолисини, айниқса, кексаларни физкультура ва спортга жалб қилиш борасида мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ.

Биз ана шу камчиликларни бартараф этиш чора ва тадбирларини амалга оширмоқдамиз. Ўйлаймизки, мамлакатимизда физкультура ҳаракати ривожининг бош кўриги ҳисобланган СССР халқларининг VIII ёзги Спартакиадаси натижалари ютуқ ва камчиликларимизни кўрсатиб беради. Биз келажакдаги ишларимизни ана шу натижаларга қараб режалаймиз.

А. ҲАФИЗОВ,
область ижроия комитети физкультура ва спорт комитетининг раиси.

● Тошкент шаҳрининг теннис кортларида СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадаси мусобақалари қизғин давом этаётир. Ватанимизнинг кучли саккиз командаси совринли ўринлар учун курашни қизитиб юборишган.

Суратда: финал группасида иштирок этаётган москвалик халқаро классдаги СССР спорт мастери Александр Зверев.

Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

АХБОРОТ
ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

• БЎСТОНЛИҚ

Йўл ремонт-қурилиш бошқармасининг ишчилари ўз ёрдамчи хўжаликларини ташкил этишга қарор қилдилар. Бунинг учун Карл Маркс номли колхоз правлениеси қурувчиларга етарли миқдорда жой ажратиб берди. Ремонтчилар ҳозир бу ерда наввос ва ғунажинларни боқишмоқда. Яқин кунлар ичида 40 бош соғин сигирга мўлжалланган бостирма, 500 та товуққа мўлжалланган паррандахона қуриб битказилади.

Бу ишларни амалга оширишда 2-йўл ремонт пунктининг бошлиғи Н. Юнусов раҳбарлигидаги қурувчилар намуна кўрсатишмоқда.

Ю. ЧЕРНОГАЕВ.

• ОҚҚЎРҒОН

Ҳарбий комиссариатга Н-бўлинма командиридан хат келди. Мактуб муаллифи офицер И. Позняк ҳарбий хизматни ўтаётган оққўрғонлик йигитлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Хизмат вазифаларини аъло даражада бажарганликлари учун бир гуруҳ солдатлар бўлинма байроғи олдида суратга тушиш шарафига муяссар бўлдилар. Улар орасида «Оққўрғон» совхози ишчиси Т. Усеинов, С. Сегизбоев номли совхоз механизатори С. Ҳамидов, Алимкентдаги 46-автокорхона шофёрлари Б. Исломов, Ш. Осмонов, Алимкент нон заводи ишчиси Ф. Файзуллаев, район матлубот жамияти ходими Р. Эргашевлар ҳам бор. Ана шу солдатларнинг отаоналарига ва улар меҳнат қилган коллективларга биз-нинг миннатдорчилигимизни етказиб қўйсангиз, — деб ёзади хат муаллифи.

П. ЭРҒАШЕВ.

• ЎРТА ЧИРЧИҚ

«Юбилей» стадиони куй ва қўшиқ шинавандалари билан гавжум бўлди. Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ҳамда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг бир группа санъаткорлари қишлоқ меҳнаткашларига янги концерт программаларини намойиш этдилар.

Пахтакорлар ва пиллакорлар, ғаллакорлар ва чорвадорлар ансамблининг хушовоз хонандалари Отажон Худойшукуров, Ғуломжон Ёқубов, Анвар Рустамов, Салоҳиддин Муҳиддиновларнинг дилрабо қўшиқларидан, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жабборова сингари раққосаларнинг шўх рақсларидан баҳра олдилар.

С. АБДУЛЛАЕВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

АДИБЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Машҳур адибларнинг ижоди ўзи бир дунё. Ана шу бой хазинани ўрганиш ва чуқур тадқиқ этиш борасида кўп ишлар қилинди. Улкан сўз санъаткорларига бағишланган энциклопедиялар яратилди.

Рус ва украин адабиётшуносларининг бу соҳадаги тажрибалари ўзбек адабиёти бўйича ҳам энциклопедиялар яратишда жуда қўл келди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти олимлари ташаббуси билан бу хилдаги ҳайрли ишларни амалга оширишга киришилди.

Ўзбек адабиётидаги йирик намояндалар ҳақида атрофлича маълумотлар берувчи нашрлардан бири ўзбек шеърияти-нинг буюк даҳоси Алишер Навоийга бағишланади. Шунингдек, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий энциклопедисини яратишга доир ишларга ҳам қўл урилди.

А. АЛИЕВ.

▲

«ВАҚТ»—СОВҒАБОП

Ленин ва СССР Давлат мукофотларининг лауреати, шоир Ғафур Ғулом туғилган куннинг 80 йиллигига республикамиз нашриётлари ҳам муносиб армуғон ҳозирлаган эдилар. Академик шоирнинг ёшларга бағишлаб ёзган асарлари тўплам ҳолида чоп этилади.

«Ёш гвардия» нашриёти отахон шоирнинг «Вақт» деб номланган шеърий тўпламини босмага ҳозирлади. Мазкур нашр совға китоби ҳолида ихчам шаклда кўп нусхада чиқарилади.

Тўпламга ишланган расм ва иллюстрациялар ҳам диққатни ўзига тортади. Шеърлар мазмунига мос ишланган бу тасвирлар ксилография услубида истеъдодли график рассом Ҳ. Раҳматуллаев томонидан моҳирона чизилган.

С. ОДИЛОВА.

ШАҲАРЛАРАРО АВТОБУС ҚАТНОВЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

ЁЗГИ МАРШРУТ БЎЙЛАБ

Шаҳарлараро қатнаётган автобуслар 23 майдан ёзги жадвалга ўтдилар. Бу кунга йўловчиларга хизмат кўрсатиш область автотрестининг ходимлари янгиликлар билан келдилар: янги маршрутлар очилди, автобуслар сони кўпайтирилди.

Тез қатнайдиган автобуслар Тошкентни Бекобод райони маркази Зафар билан боғлайди. 180 километрлик бу масофада «Икарус» автобуслари мунтазам қатнамоқда.

Ангрен—Қўқон янги маршрути йўловчиларга ажойиб совға бўлди. Оҳангарон шаҳри ичида қатор қулайликлар яратилди.

Ёзги жадвалга ўтиш муносабати билан автобуслар қатнови янада жадаллашди. Бунга область автотрести паркларининг янги транспорт воситалари билан таъминланганлиги имконият берди. Областимиз қўчаларида қатнаётган, олис манзилларга мўлжалланган «ЛАЗ-699» автобуслар сони яна 7 тага кўпайди. Бекобод ва Янгийўл автопаркларига 6 та тез юрар «ЛАЗ-4202» маркали автобуслар қўшилди.

Қатор район ва шаҳарларда янги автобус бекатлари қуриб фойдаланишга топширилди, автовокзаллар ремонт қилинди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

МУЗЕЙДАН РЕПОРТАЖ



БАМИСОЛИ ҚЎРИҚХОНА

«Чотқол» — республикамиздаги 12 та қўриқхонанинг бири саналади. Қўриқхона Бошқизилсой ва Майдонтол участкаларига бўлинган бўлиб, унинг кенг майдонларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг бой ва ноёб турлари жамланган. Ҳар қадамда табиатнинг такрорланмас гўзалликларини ҳис қилиш мумкин.

Мана шуларнинг ҳаммаси Паркент райони марказида 1979—1982 йиллар мобайнида ташкил этилган қўриқхона музей - комплексида ўз аксини топган. Музей қурилиши ишларини Тошкентдаги «Рассом» бадиий комбинати ва республика халқ санъати усталари бирлашмасининг бир гуруҳ ходимлари бажардилар.

Музей катта-кичик тўрт хонадан иборат. Кираверишдаги хона деворига дунёдаги қўриқхоналар акс эттирилган карта осилган. Ҳар бир қўриқхона махсус лампочкалар ёрдамида ёритиб кўрсатилади. Чотқол қўриқхонасининг иккй катта участкаси бўлмиш Бошқизилсой ва Майдонтол зоналарининг макети ҳам шу хонада жойлашган. Зонанинг географик хусусиятлари турли хил белгилар билан ифодаланади. Бу икки зонада мавжуд бўлган ҳайвонлар ҳам кўрсатиб қўйилган. Булардан ташқари хонада мазкур зонада учрайдиган гуллар ҳам ўстирилади. Буларнинг ҳаммасини завқ билан, қизиқиш билан томоша қилиб бўлганимиздан сўнг иккинчи хонага ўтамиз.

Бу ерга киришингиз биланоқ ўзингизни кутилмаганда ўрмонга келиб қолгандай ҳис этасиз. Хона ўртасидаги баланд-баланд дарахтлар, тоғу-тошлар манзараси, турли ҳайвонлар тасаввурингизни янада бойитади. Алоҳида ясалган ойнаванд рамкаларда СССР ва Ўзбекистон ССРнинг «Қизил китоби»га киритилган бургут, қора лайлак, қоплон каби жониворлар бор. Ана шундай рамкалардан бирида турли қушларнинг уялари ўрин олган. Улардан бири бежирим саватчага ўхшаса, иккинчиси тўқилган пайпоқнинг худди ўзгинаси, учинчиси эса сут қуйиладиган кувачани эслатади. Дарахтларга чирмашиб кетган гуллар, фақатгина тоғ, қир ва ўрмонларда ўсадиган ўсимликлар хонанинг табиий чиройини янада бўрттириб кўрсатади.

Учинчи хонага ўтамиз. Тошлар, харсанглар билан ўралган ним қоронғи йўлкадан ёп-ёруғ майдонга чиқиладиган. Камалакнинг етти хил ранги билан жилоланган тип-тиниқ осмон, қуёшдан ёғилаётган нур ер юзини чўмилтираётгандай. Бу қайтарилмас, афсонавий манзара Бошқизилсой зонасининг панорамасидир.

Ва ниҳоят «Инсон ва фантазия» деб номланган сўнгги тўртинчи хонадамиз. Республикамизда яшаб, ижод қилувчи турли мавқе ва турли ёшдаги ижодкорларнинг асарлари, халқ усталари қўлида сайқал топган, дарахтлардан, илдизлардан ясалган буюмлар, ўйинчоқлар. Гўзал Ватанимизнинг манзарасини, табиат билан инсоният ҳаётидаги боғлиқликни, улар ўртасидаги доимий муносабатни тасвирловчи полотнолар, расмлар...

Музей комплексининг безаклари нақадар гўзал. Ҳар бир хонанинг ўймакор гулли эшиклари, гулдор стол ва стуллар, ойнаванд рамкалар, шифтларга ўйиб ишланган доира шаклидаги сунъий ҳовузлар худди қуйиб қўйгандай. Миллий ва замонавий архитектуранинг бирлашиб кетган нуқталари — архитектуранинг энг сўнгги ютуқлари шундоққина кўзга ташланади. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидангина эмас, ҳатто чет эллардан ташриф буюрган олимлар, студентлар, сайёҳлар ҳам инсон заковатига, меҳнатига офаринлар айтишади.

Республикамизнинг қўли гул меъморлари сайқалдан чиқарган музей комплекси ташқи кўринишидан ҳам, экспонатларнинг ранг-баранглиги ва мазмуни билан ҳам ажралиб турибди. Қўриқхонанинг ўзи эса шу йилнинг август ойида ўтказиладиган дунё миқёсидаги анжуманда Халқаро музейлар қаторидан ўрин олиш учун тавсия этилди. Бу ютуқлар, шубҳасиз, 80 кишидан иборат изланувчан ва жонқуяр коллективни янги меҳнат ғалабалари сари чорлайди.

Г. ИЎЛДОШЕВА,
Паркент райони.

* * *

● СУРАТЛАРДА: Чотқол тоғ-ўрмон Давлат қўриқхонаси музейи бош корпусининг умумий кўриниши; музей экспонатларидан бири — дарахт илдизи.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги

В. А. БИЛБАС НОМЛИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ 1983—1984 ўқув йили учун КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: гидромелиорация бўлими (гидротехниклар тайёрлайди), гидромелиорация ишларини механизациялаш бўлими (гидромелиорация ишларини механизациялаш бўйича техник-механик тайёрлайди), сув хўжалиги системаларидаги автомат қурилмаларни эксплуатация қилиш (техник-электромеханик тайёрлайди).

1 КУРСГА 8 СИНФНИ БИТИРГАН, ЕШИ 30 ГАЧА БЎЛГАН ГРАЖДАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати 3 йилу 10 ой.

Техникумга ўқувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: она тили (диктант), **математика** (оғзаки).

Ўрта мактабнинг 8-синфини «4» ва «5» баҳолар билан тамомлаганлар гидромелиорация ва гидромелиорация ишларини механизациялаш бўлимларининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Шаҳодатномасида «3», «4» ва «5» баҳолари бўлган шахслар эса умумий тартибда кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўрта мактабнинг 10—11 синфини тамомлаганлар II курсга қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати 2 йилу 8 ой.

Қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширилади: она тили ва адабиёт (ёзма), математика (оғзаки).

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Директор номига ёзилган аризалар 1 июндан 31 июлгача (10—11 синфни битирганлар 14 августгача) **қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади:** маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (етуклик аттестати ёки 8-синфни битиргани ҳақидаги шаҳодатнома), 4 дона фотосурат (3х4 см), соғлиги ҳақидаги справка (286-форма), меҳнат стажига эга бўлганлар меҳнат ёки колхоз дафтарчасининг копиясини топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Техникумга қабул қилинганлар умумий қондага асосан стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Тошкент-7, 1-Кольский переулоги. Гидромелиорация техникуми (1 «э», 17 «э», 24 «э»-автобусларнинг, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати, 13, 22-трамвайларнинг «Гидромелиорация техникуми» бекати. Метронинг «Максим Горький станцияси» бекати). Телефонлар: 66-20-30, 66-15-12, 66-06-47.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАССАЖИР АВТОТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган шоферлар малакаси оширилиб «С» категориядан «Д»га ўтказилади. 100 сўм стипендия тўланади.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади.

Керакли ҳужжатлар: меҳнат дафтарчаси, паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси, имтиҳон карточкаси, медицина справкаси, 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 3 дона фотосурат.

Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Свободний посёлкаси, 2519-автоколонна кадрлар бўлимига (Ташсельмашдан 21-автобусда «Автоколонна» бекатигача борилади) **мурожаат қилинсин.**

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40— Концерт. 10.20 — «Гражданин Лёшка». Бадиий фильм. 11.45 —«Баланд осмон». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — «Шахмат мактаби». 16.50 — «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни». 17.20 — «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». 18.20 — Концерт. 19.00—«Расмларда қўёш акси бор». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Л. Рюмина куйлайди. 19.55 — «Фан ва турмуш». 20.25 — «Чегарачи ит Алий». Бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 —«Рус музейи». 22.40 — «Дунё воқеалари». 22.55 — Чет эл эстрадаси куйлари ва оҳанглари.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35—География. 10.05 ва 13.50 — Инглиз тили. 11.05 —«Табиатшунослик». 11.35 —А. С. Пушкин. «Евгений Онегин». 12.35 — «Мангу қаҳрдор». 12.50 — «Ватаннинг қанотли қизи». Телевизион фильм. 14.20 — «Совет монументаль ва портрет ҳайкалтарошлиги». 14.50 — «Билимимиз — қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал. 15.35 — Э. Хемингуэй. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Сув полоси бўйича халқаро турнир. 19.30 — «Саёҳатчилар клуби». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.50 — Баскетбол бўйича Европа чемпионати. СССР — Польша. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бизнинг умумий дўстимиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6 ва 7-сериялар.

ЎзТВ-I. 11.30— «Санъат ғунчалари». 12.00 — «Буюк ҳайвон ўргатувчи». Телевизион бадиий фильм. 13.15 —Чегарачилар кунига. Кинопрограмма. 17.30 — «Бойчечак». 18.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.30 — Зайнаб Люманова куйлайди. 19.00 — «Вирусли гепатит» проблемаси бўйича Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар мутахассисларининг ишчи кенгаши». 19.30 — «Ахборот» 19.45 — СССР халқлари VIII спартакиадаси. Теннис. 20.15 — «Ғалла — ризқ-рўзимиз». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — СССР халқ артисти С. Қобуловнинг ижодий кечаси. 21.30 — «Время». 22.05 — «Дунё воқеалари». 22.35 — «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.15 — Ўқитувчи экрани. 18.45 — «Архив». Телевизион фильм. 18.55 —«Ёнғиндан сақланинг!». 19.25 — «Шеърият дафтаридан». Я. Қурбон. 19.40 — «Ўйин қоидасига биноан». Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Қишлоқ ҳаёти». 20.40 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — МТ-II.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети Улуғ Ватан уруши ветеранлари Комитети Тошкент секциясининг раиси, область партия комитети аъзолигига кандидат, истеъфодаги генерал-лейтенант

Файзулла НОРХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент область партия комитети аппарати партия бюроси ва касаба союз комитети аппарат масъул ходими В. И. Золотихга онаси

Мария Архиповна ЗОЛОТИХнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Тошкент область халқ контроли комитети Чирчиқ шаҳар халқ контроли комитети раиси У. У. Омонбоевга отаси

Умирбой ОМОНБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 06256 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1608. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12